БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 3 (11.449). | 5 январь, сешанба 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГЛАРИ ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МЕТАЛЛ БЕРДИЛАР

БЕГОВОТ, 4 январь. (ЎзТАГ). Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективи етти йилликнинг иккинчи йилини муддатидан илгари бажариш ишига биринчи ҳисса қўшди. Мартенчилар қуйиш муддатларини жадаллаштириш ҳисобига 1960 йилнинг биринчи куни топшириғидан ташқари 32 тонна металл бердилар. Прокат цехи бир меёрда ишламоқда. Бу цех коллективи янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи олти соатлик иш кунига ўтган. Аммо иш кунининг қисқартирилганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатмади. Ўзбекистон металлурглари пўлат ва прокат ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш учун ички резерваларни муваффақиятли равишда қидириб топмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг ишларини яхшилаш ҳамда фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини халқ хўжалигига жорий қилиш ишида унинг ролини ошириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ишларини яхшилаш ҳамда фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини халқ хўжалигига жорий қилиш ишида унинг ролини ошириш масаласини кўриб чиқдилар.

Қабул қилинган қарорда кўрсатиб ўтиладики, фан ва техника муваффақиятларини, техникани тараққий эттиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажаришга ёрдам берадиган прогрессив технологияни ва ихтироларни актив равишда пропаганда қилиш ҳамда саноатга, транспортга, қишлоқ хўжалигига ва қурилишга жорий қилиш СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг асосий вазифасидир.

Виставка саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқанинг ривожланишидаги ҳозирги вақтда бўлган даражасини, совет фани, социалистик маданиятнинг муваффақиятларини ҳамда совет халқи моддий фаровонлигининг ўсишини акс эттириши лозим. Меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини, машиналар, ускуналар, асбоблар, технология процессларининг тажриба конструкцияларини, саноат маҳсулотининг замонавий нусхаларини, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навларини ва чорва молларининг энг яхши зотларини кўрсатиш ҳамда пропаганда қилиш Виставка ишида катта ўрин олиши лозим.

Шу қарорда белгилаб ўтилдики, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қуйидагилар қатнашуви мумкин:

Машиналар, асбоблар, инструментлар, материалларнинг, автоматлаш ва механизациялаш воситаларининг, халқ истеъмол қиладиган молларнинг, технология процессларининг энг янги нусхаларини ва намуналарини, шунингдек меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида жорий қилинганида катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўладиган илғор методларини яратган ва Виставкага тақдим этган саноат, транспорт ва алоқа корхоналари — заводлар, фабрикалар, электростанциялар, конлар, шахталар, промислолар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзи эришган ва жорий қилинганида хўжаликни рационал равишда бошқаришга, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини кескин равишда оширишга, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга ҳамда қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялашни кенг жорий қилишга ёрдам берадиган энг катта натижаларни Виставкага тақдим этган колхозлар, совхозлар, ўрмон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари;

қурилишни индустрлаштириш ва механизациялаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган ҳамда бинолар ва иншоотларни типизация ва унификация қилиш вазифаларини энг тежамли қилиб ҳал этиш намуналарини, архитектура ижодкорлигининг энг яхши нусхаларини, қурилишнинг сифатини оширишга, қийматини камайтиришга ва қурилиш муддатларини камайтиришга ёрдам берадиган янги бинокорлик материалларини, йиғма темир-бетон ҳамда бошқа ҳид конструкциялар ва буюмларни тақдим этган қурилишлар, бинокорлик материаллари корхоналари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари;

техникани тараққий эттиришда, ички резервлардан энг кўп фойдаланишда, капитал маблағлардан рационал фойдаланишда, шунингдек фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини жорий қилишда энг зўр муваффақиятларга эришган Халқ хўжалик кенгашлари, районлар, областлар, ўлкалар, автоном республикалар;

фан, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият соҳаларида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган энг яхши ишларни Виставкага тақдим этган Фанлар академияларининг институтлари, олий ўқув юртлари, техникумлар, мактаблар ҳамда соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва маданий-оқартув муассасалари;

меҳнат унумдорлигини анча ошириладиган ҳамда халқ хўжалигида катта иқтисодий самара берадиган энг зўр ихтироларни, кашфиётларни, янги технология процессларини, меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини тақдим этган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ва илмий ходимлар, ихтирочилар, рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторлари.

Шу қарорга мувофиқ, Виставкага раҳбарлик қилмоқ ва унинг иш мазмунидаги асосий йўлларни белгилаб бермоқ учун Виставка Кенгаши тузилади. Виставка Кенгаши иттифоқчи республикаларнинг, Халқ хўжалик кенгашларининг, корхоналарнинг вакилларидан, йирик олимлар ва ишлаб чиқариш новаторларидан, шунингдек СССР Госпланининг, Давлат комитетларининг, министрликлар ва бошқармаларнинг, партия, касаба союз ва совет органларининг ходимларидан иборат бўлади.

Виставка Кенгашига: иттифоқчи республикаларнинг павильонларига, тармоқ павильонларига ва тематик виставкаларга доир тематик планларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; фан ва техника муваффақиятларини, прогрессив технологияни, ихтироларни ва меҳнатнинг илғор методларини жорий қилишга доир таклифларни киритиш; Виставкада кўрсатилаётган янги ва илғор тажрибаларни ўзлаштириш ҳамда жорий қилиш ишида эришган алоҳида муваффақиятлари учун Виставка қатнашчиларини тақдирлаш ва мукофотлаш; саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, фан ва маданият тармоқлари бўйича секцияларнинг ишларига раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилади.

Қатнашчилар ва экспонатларни шу вақтгача қилиниб келганидек йилда бир марта тандаб олинмасдан, балки янги техника, технологиянинг намуналари, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методлари яратила борган сари бутун йил давомида танлаб ола бериш кўзда тутилади.

Қарорда шу нарса кўзда тутиладики, Виставкага тақдим этилган экспонатлардан энг яхши намуналарини танлаб олмоқ, шунингдек шуларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга доир таклифларни тайёрламоқ учун бу ишларга корхоналарнинг директорлари, бош инженерлари, технологлар, конструкторлар, ишлаб чиқариш новаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, СССР Госпланининг, Давлат комитетларининг, Халқ хўжалик кенгашларининг, министрликлар ва бошқармаларнинг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг ходимлари кенг равишда жалб қилинади. Жорий қилишга доир таклифлар ва тавсияларни тайёрлаш чоғида мазкур намуналарнинг мақсадга мувофиқлигини, иқтисодий самарали бўлишини ва жорий қилиш муддатларини белгилаш назарда тутилади. Бу таклифлар ва тавсиялар СССР Госпланига тақдим этилади, СССР Госплани уларни ҳисобга олиб бориши ва зарурлигига қараб ишлаб чиқариш планларига тузатишлар кирита бориши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига Виставка қатнашчиларини, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг яхши нусхаларини ҳамда фан ва техниканинг энг муҳим муваффақиятларини танлаб олиш ишлари устидан контроллик қилиб туришни таъминлаш вазифасини юкладилар.

Партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтлари коллективларининг, шунингдек ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг мусобақасини авж олдиришлари лозим.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Госплани, Давлат комитетлари, министрликлар, бошқармалар ва Халқ хўжалик кенгашлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида кўргазмага қўйилаётган энг янги машиналар, асбоблар, технология процессларини ўз вақтида жорий қилиш устидан контроллик қилишни таъминлашга мажбурдирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети саноатни, қишлоқ хўжалигини, қурилиш, транспорт ва алоқани ривожлантиришнинг энг актуал масалалари бўйича ихтисослаштирилган виставкалар ташкил этишни Виставканинг фан, техника муваффақиятларини ва илғорларнинг тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасидаги ишларининг энг муҳим формаларидан бири деб топдилар. Тематик виставкалар қисқа муддатли бўлиши ҳамда Халқ хўжалик кенгашлари, корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқариш, унинг экономикаси соҳасида эришган даражалари тўғрисида, машиналар, ускуналар, асбоблар, материалларнинг ва бошқа маҳсулотларнинг техника даражаси тўғрисида берадиган ҳисоботлари тарзида ўтказилиши лозим.

Тематик виставкалар вақтида ишлаб чиқариш ходимларининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ходимларининг, шунингдек олимлар, ихтирочилар, рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг иштироки билан семинарлар, илмий-техника конференциялари ўтказиш назарда тутилади.

Тематик конференциялар ўтказиш натижаларига қараб Виставка Кенгаши янги техникани ва илғорларнинг тажрибаларини жорий қилиш тўғрисида, шунингдек машиналар, асбоблар ва бошқа буюмларнинг эскириб қолган конструкцияларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисида давлат комитетлари, министрликлар, экономистлар, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ва манфаатдор бошқа ташкилотлар билан биргаликда СССР Госпланига, зарур бўлиб қолган тақдирда эса СССР Госплани билан биргаликда СССР Министрлар Советига таклифлар киритиши лозим.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қуйидаги павильонларни ташкил этиш кўзда тутилади:

А) СССР ва иттифоқчи республикалар халқ хўжалиги муваффақиятларини кўрсатиш павильонлари, шу жумладан: СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим муваффақиятларини ва истиқболларини, СССР давлат ва ижтимоий тузилишини акс эттирувчи бош павильон; иттифоқчи республикаларнинг экономикани, фанни, социалистик миллий маданиятни ривожлантиришдаги ҳамда халқларнинг моддий фаровонлигини оширишдаги ютуқларини кўрсатувчи павильонлар; саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, фан, техника ва маданият тармоқларининг павильонлари, бу павильонларда шу тармоқлардаги ривожланишнинг замонавий даражаси, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг янги техникани, шунингдек прогрессив технологияни ўзлаштириш ва жорий қилишдаги ҳамда меҳнатни ташкил этишдаги тажрибалари акс эттирилади;

Б) халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир тематик виставкалар ташкил этиладиган ва ўтказиладиган павильонлар; бу виставкаларда кўплаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилаётган энг яхши намуналар билан таққослаб, кенг равишда намойиш қилинади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Н. С. ХРУШЧЕВ ВА Р. ГАРСТ БИР-БИРЛАРИГА ХАТ ЮБОРДИЛАР

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ нинг кўзга кўринган жамоат арбоби фермер Росуэлл Гарст янги йил арафасида бир-бирларига хат юбордилар.

Р. Гарст ўз хатида Н. С. Хрушчевнинг АҚШ га қилган сафарига юксак баҳо беради. Шу нарсага ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмаски, — деб ёзади у, — Сизнинг АҚШ га қилган сафарингиз ҳар иккала мамлакат ўртасида бўлиб келган гумонсирашларни ва нотўғри тасаввурларни камайтирмоқ учун бошқа ҳар қандай нарсага қараганда кўпроқ натижа берди, дейиш мумкин. Р. Гарст ишонч билдириб, президент Эйзенхауэрнинг Совет Иттифоқига қиладиган сафари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда ривожланиб бораётган хайрихоҳликка ёрдам беради, деб ёзади. Р. Гарстнинг хатида қуролланиш юки ё батамом тугатилади, ёки жуда ва жуда камайтирилади, деб умид билдирилади.

Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб хатида айтдики, президент Эйзенхауэрнинг Совет Иттифоқига қиладиган сафаридан Москвада кўп натижа кутилмоқда. У, — деб ёзади Н. С. Хрушчев, — биз учун ҳурматли меҳмон бўлади.

Н. С. Хрушчев қуролсизланиш проблемаларига тўхталиб, бундай деб ёзади: ҳозирги замоннинг бу жуда муҳим проблемасини ҳал қилишга эришмоқ — ҳамма давлатларнинг ёппасига ва тўла қуролсизланиши тўғрисида тегишли халқаро инспекция ўрнатилган ҳолда битим тузмоқ учун биз бутун куч ва ғайратимизни ҳозирги вақтда сарфламоқдамиз ва бундан буён ҳам сарфлайберамиз. Қуролсизланиш натижасида бўшаб қоладиган маблағларнинг катта қисмидан, — деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев, — аҳолига керакли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқ учун фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Н. С. Хрушчев Р. Гарстга Совет Иттифоқига қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда янада муваффақиятлар тилаб истак билдирганлигини учун миннатдорчилик изҳор қилди. Биз, — деб ёзади Н. С. Хрушчев, — бу соҳада кўп ишламоқдамиз. Жумладан, яқинда биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришимизни янада юксалтириш чораларини Москвада атрофлича муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилдик.

Н. С. Хрушчев Р. Гарстга ва унинг бутун оиласига кириб келаётган 1960 йилда турмушда энг яхши муваффақиятлар, бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилаб истак билдирди. (ТАСС).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР

ДАСТЛАВКИ ЮТУҚЛАР

Марғилон, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Марғилон қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ўтган йилги планни муддатидан 25 кун илгари бажариб, 20 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

ИШЧАН КОЛЛЕКТИВ

Қўқондаги пайпоқ-тўқув комбинатининг коллективи 1959 йил планини 15 декабрдаёқ адо этиб, планга қўшимча 2400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Комбинатда ҳозир коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олиш учун 59 та коллектив курашмоқда. 7 бригада бундай номни олишга муяссар бўлди. Клементьев, Оксенгендлер, Шутько ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб смена нормаларини 1.5—2 ҳисса адо этдилар.

ПИШИҚ ҒИШТ КЎПАЯДИ

Етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга астойдил бел боғлаган Қувасойдаги 14-ғишт заводи бошқармасининг ишчи ва инженер-техник ходимлари 1959 йил топшириғини муддатидан илгари адо этиб, қурилиш ташкилотларига 45 миллион 273 минг дона пишиқ ғишт берган эдилар. Завод коллективи бу йил ўтган йилга нисбатан 4—5 миллиондан ортиқ пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

ОММАНИНГ ЖАНГОВАР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Бизнинг Ватанимиз кучлари яшнаб, қудратга тўлган ҳолда етти йилликнинг иккинчи йилига қадам қўйди. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат плани совет халқига мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тағин ҳам зўр куч билан ўстиришнинг, Совет Иттифоқи халқлари кўпмиллатли маданиятини яшнатишнинг қувончли истиқболини очиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ойи охирида бўлиб ўтган Пленуми қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида партия томонидан қилинган жуда катта ишларни якунлаб берди. Пленум колхозчиларни, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, барча меҳнаткашларни, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш соҳасида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни амалга оширишга ўзларининг ижодий ғайратларини сафарбар қилишга, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун умумхалқ кураши ишига муносиб ҳисса қўшишга чақирди. Социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида Марказий Комитет Пленуми ишлаб чиққан кенг программани бажариш совет кишиларининг турмушини тағин ҳам қувончлироқ қилиб кўяди.

Марказий Комитет Пленуми эндиликда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг миқёсда юксалтирмоқ учун бутун зарур шарт-шароит вужудга келтирилганлигини уқтириб ўтди. Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида якин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олмоқ ва ўзиб кетмоқ учун илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан бошланган умумхалқ ҳаракати тобора кенгаймоқда. Республикалар, ўлкалар ва областларда авж олиб кетган социалистик мусобақа етти йиллиқнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги топшириқлари муддатидан олдин бажарилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Жойлардан келаётган хабарлардан маълум бўлишича, КПСС Марказий Комитети Пленумининг чақириғи халқ орасида жуда қизғин равишда маъқулланмоқда. Ҳозирги вақтда миллион-миллион колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бутун фикр-зикри етти йиллик планни муддатидан олдин бажармоқ учун резервларни топиб, ишга солишга қаратилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш программасини баён қилиб, шуни кўрсатиб ўтдики, **энди биз ишимизни кенгайтирибгина қолмасдан, шу билан бирга чуқурлаштиришимиз ҳам лозим, энин майдонларини кўпайтириш йўлидангина бориб қолмасдан, шу билан бирга энг яхши агротехникани жорий қилиш ҳисобига ҳосилни ошириш йўли билан боришимиз, меҳнат унумдорлигини тағин ҳам оширишга, маҳсулот таннархини тағин ҳам камайтиришга эришмоғимиз лозим. Бизнинг йўлимиз шуки, асосан энин майдонларини кенгайтиришга асосланган қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг экстенцив формаларини ривожлантириш йўлидан бормасдан, балки ернинг ҳар бир гектаридан, сарфланган меҳнатнинг ҳар бир единицасига ҳисоблаганда энг кўп миқдорда маҳсулот берадиган юксак даражада малакали интенцив хўжаликни ривожлантириш йўлидан боришимиз лозим.**

1954 йилда, — деди сўнгра Ўртоқ Н. С. Хрушчев, — мен қўриқ ерларни ўзлаштиришимиз керакликини кўп гапирган эдим, ҳозир ҳам биз бу ишни давом эттиришдан воз кечмаслигимиз лозим. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳаётий зарур иш бўлган эди. Бундан буён ҳам янги ерларни ишга солиш муайян иқтисодий самара беради. Лекин ерни ҳайдаб олиб экиш, бу — энг қийин иш эмас. Техника берилса, уруғлик, одамлар берилса, қўриқ ерларни ҳам ўзлаштириш мумкин. Аммо ҳозир биз бундан кўра қийинроқ ишга киришмоғимиз, бу ишни орқага сурмаслигимиз керак. Биз очилган қўриқ ерларни кўпроқ самара берадиган қилиб ўзлаштира беришимиз, деҳқончилик маданиятини ошира беришимиз лозим.

Сиёсий ва хўжалик ишларига раҳбарлик қилишнинг атоқли мастери берган бу кўрсатмалар ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу кўрсатмалар коммунистик қурилишни кенг авж олдириш программасини янада ривожлантириб берган кўрсатмаларидирки, бизнинг мамлакатимиз бу программани амалга оширишга КПСС XXI съездидан кейин киришган эди. Бу кўрсатмаларни амалда рўёбга чиқариш натижасида коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан бирини бажариш — аҳоли учун озиқ-овқатни ва енгил саноат учун хомашёни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилади.

Бизнинг ерларимиз бой ва мўлдир. Совет социалистик тузуми ерларимизнинг афсонавий хазиналаридан фойдаланмоқ учун ҳамма имкониятларни тарихда биринчи бўлиб, меҳнаткашлар қўлига бериб қўйди. Социалистик тузум сон-саноқсиз меҳнаткашлар оммасини — ўз мамлакатининг чинакам хўжайинларини, мислсиз янги турмуш яратувчиларни тарихий ижодкорликка кўзғотди. Пленум кунларида Марказий Комитетга меҳнаткашлардан сон-саноқсиз табриклар келиб турди. Бу кунлар халқимиз ленинчи Коммунистик партия теварагида нақадар махкам жипслашганлигини, халқимиз партиянинг жуда катта планларини бажаришга нақадар зўр куч билан бел боғлаганлигини қайта ва қайта кўрсатди.

Бироқ, коммунистик қурилишнинг янги мураккаб вазифалари оммани ташкил этиш соҳасида жанговар иш олиб борилмасдан бажарилиши мумкин деб ўйлаш бемаънилик бўлур эди. Ленинизм таълим бериб айтадики, ўзибўларчилик тўлқинларила узоққа бориб бўлмайди ва мўлжалланган соҳилга етиб бўлмайди. Қанчалик кўп омма ҳаракатга келса, миллионларнинг ғайратини қўзғотиш ва йўллаб туриши лозим бўлган раҳбарлар ва ташкилотчиларнинг роли шу қадар баланд кўтарилади.

Оммaнинг жанговар ташкилотчилари бўлайлик — партиямизнинг талаби мана шудир. Буни Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда сўзлаган нутқида жуда зўр куч билан уқтириб ўтди. Бизнинг резервларимиз битмас-туганмасдир. Биз хўжалик қурилишимизнинг ҳар бир участкасида ишлаб чиқаришни кўп марталаб кўпайтиришимиз мумкин. Бунинг учун фақат бир нарса талаб қилинади, у ҳам бўлса, бу резервларни топиб, оммани шу резервдан фойдаланиш учун курашга сафарбар қилиш керак.

Колхоз қишлоғининг илғор кишилари энг оддий шароитда жуда катта муваффақиятларга эришганликларини кўрсатувчи бир талай мисоллар Марказий Комитет Пленумида айтиб берилди. Бир вақтлар Тамбовнинг қишлоғи бўлган жойдаги, Мичурин районидаги Коминтерн номли колхоз чорвачилик маҳсулотлари кўпайтиришда қисқа вақт ичида жуда катта муваффақиятларга эришди. Хўш, бу муваффақиятларнинг сири нимада? Бунинг сири шундаки, янги турмуш қуриш ғайрати билан тўлиб тошган колхозчилар билан бир қаторда бу жойда оммaнинг жанговар ташкилотчиси, ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган киши — колхоз раиси Евгения Ивановна Андреева фидокорона меҳнат қилмоқда. У сатҳи чеклaнган ер майдонларида қ и ш л о қ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бир неча баравар кўпайтириш имкониятини топди ва колхоз коммунистлари билан бирликда ўз ҳамқишлоқларини шу вазифани ҳал қилишга қўзғотди.

Рязань области партия органларининг ҳозирги шароитдаги ташкилотчилик иши мўъжизакор кучга эга бўлганлигини кўрсатувчи жуда диққатга сазовор намуналарнинг биридир. Чиптаковуш области деб аталган бу область қолоқликнинг тимсоли бўлиб юрар эди. Эндиликда эса бу область 4 — 5 йил чамаси вақт ичида мамлакатнинг энг илғор областларидан бири сифатида донг чиқарди.

Эҳтимол рязанликлар бошқа ерларга кўчиб ўрнашгандирлар, эҳтимолки, улар худонинг марҳаматига дучор бўлиб қолгандирлар? Ундай эмас, албатта, объектив шарт-шароит қандай бўлса шундайлигича қола берди, лекин кейинги йилларда бу областда субъектив фактор мисли кўрилмаган зўр куч билан намоён бўлди. Обкомнинг биринчи секретари, ҳозирги вақтда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига эга бўлиб қолган Ўртоқ Ларионов бошчилигида областнинг партия органлари оммaнинг жанговар ташкилотчилари бўлиб иш олиб бордилар, оммaга олға боришнинг мақсадини кўрсатиб бердилар ва ўзларининг намунали ишлари билан оммани ўзларига эргаштирдилар. Натижада мўъжиза рўй берди: эндиликда Рязань илғор тажриба мактаби бўлиб қолди.

Ёки бошқа бир мисолни айтиб ўтайлик. Қозоғистон кейинги йилларда мамлакатнинг энг катта ғаллакор районларидан бири бўлиб қолди. Қозоғистон дон етиштиришни ва бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қанчалик кўпайтирганлиги ҳаммага маълум. Партиянинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида амалга оширган чоралари ҳайрли натижалар берганлиги Қозоғистонда бошқа жойлардагига қараганда яққолроқ кўринди. Қозоқ халқи қўриқ ерларни ўзлаштирмоқ учун бошқа республикалардан юборилган кишилар билан бирликда партия ва давлат топшириқларини бажаришда чинакам шавкат кўрсатди.

1959 йилда эса Қозоғистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат планларини бажаришда жуда катта камчиликларга йўл қўйди. Дала ишлари қизиб турган бир пайтда кўп минглаб тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ўз вақтида туэатилмаганлиги сабабли ишламай туриб қолди. Бир ярим миллион гектардан кўпроқ ердаги ғалла ўз вақтида ўриб олинмай қор остида қолиб кетди. Эҳтимолки, бунинг учун далаларда ва фермаларда ишлаётган одамлар айблидирлар? Йўқ, одамлар заррача ўзгаргани йўқ, уларнинг давлат топшириқларини бажариш ғайрати сусайиш у ёқда турсин, ҳатто кучайиб ҳам кетган эди. Бундай ҳол рўй берганлигининг сабаби шуки, партия органларининг ташкилотчилик иши бўшашиб кетди. Республиканинг баъзи партия ва совет раҳбарлари ўз шуҳратларига маҳлиё бўлиб, ленинизмнинг ташкилотчилик ишини ҳормай-толмай олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги қатъий қоидасини унутиб қўйдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Пленумида ўз нутқини тамомлар экан бундай деди:

«Оқибат натижада бизнинг порлоқ ютуқларимиз бор. Социализм душманлари ҳозир Совет Иттифоқининг ғалабаларини кўриб ғангиб қолдилар. Бу ғалабалар билан биз янги муваффақиятлар сари зўр ишонч билан олға боришимиз мумкин. Биз баланд чўққига кўтарилдик ва тез суръат билан олға бормоқдамиз. Шу сабабли ҳозир тағин ҳам тезроқ суръатга ўтиб, янги чўққига кўтарилишимиз осонроқ бўлади».

Шу билан бирга Ўртоқ Н. С. Хрушчев огоҳлантириб айтдики, биз камчиликларни танқид қилишдан қўрқмаслигимиз керак. Халқимиз бизнинг ҳаққоний танқидимизни ҳамиша қувватлайди ва янада яхшироқ ишламоқ ва шу тариқа коммунизм қуриш учун курашда, XXI съезд қўйган вазифаларни бажаришда тағин ҳам катта муваффақиятларни таъминламоқ учун партиямиз теварагида янада зичроқ жипслашади.

Партия унинг ленинчи Марказий Комитети ўзининг ҳамма ташкилотларини, барча коммунистларни оммaнинг жанговар ташкилотчилари бўлинглар, деб қайта-қайта чақирмоқда. Олға томон ҳозир бораётганимизга қараганда тағин ҳам тезроқ боришимиз учун бизнинг тузумимизда бутун шарт-шароит мавжуддир. Биз саноат, қишлоқ хўжалиги ва фаннинг кўп соҳаларида илғор капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетдик. Улардан ҳамма соҳаларда энг қисқа муддатда ўзиб кетмоқ учун бизда зарур шарт-шароит бор. Ғарча партия ташкилотлари, барча коммунистлар оммaнинг жанговар ташкилотчилари бўлиб иш олиб борсалар, биз ҳамма соҳаларда илғор капиталистик мамлакатлардан албатта ўзиб кетамиз.

(«ПРАВДА»нинг 3 январдаги бош мақоласи).

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

ТЕРМИЗ. 4 январь. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область партия комитети ташкил этган семинарда обкомнинг бюро ва пленум аъзолари, Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг депутатлари, партия, совет, касаба союз, комсомол активлари ва интеллигентлардан 90 киши қатнашди. Семинарда КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини меҳнаткашлар орасида кенг пропаганда қилиш тадбирлари ҳақида инструктаж берилди ва кенг фикр алмашув бўлди.

Кеча семинар қатнашчилари декабрь Пленуми қарорларини пропаганда қилишда район партия ва совет ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга жўнаб кетдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг ишларини яхшилаш ҳамда фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини халқ хўжалигига жорий қилиш ишида унинг ролини ошириш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари зиммасига СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги иттифоқчи республикалар павильонларининг ишларини қайта қуриш бу павильонларда саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан, техника, маданият, соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги муваффақиятларни кўрсатиш билан бир қаторда иттифоқчи республикалар ўртасида тажриба айирбошламоқ учун аҳамиятли бўлган айрим масалалар бўйича тематик виставкалар—кўриклар ҳам ўтказиб туриш вазифаси юклатилди.

Қарорда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасида энг яхши буюмлар учун конкурслар ўтказиш, бу конкурсларда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол қилувчиларнинг бир-бирлари билан учрашувларини ташкил этиш лозим. Конкурсда юқори баҳо олган маҳсулот Виставка дипломлари ва медаллари билан тақдирланади ва сўнгра шунга яраша алоҳида эмблемалар қўйиб ишлаб чиқариладиган бўлади.

Виставкада кўрсатилаётган фан ва техника муваффақиятларини ҳамда илғорларнинг тажрибаларини матбуотда, радио, кино ва телевидение орқали илмий-техника пропаганда қилишни яхшилаш чоралари белгиланди. Шу мақсад билан СССР Маданият министрлиги техника янгиликларига, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишда ва транспортда бўлган илғор технология процессларига ва меҳнатнинг янги методларига бағишлаб Виставка Кенгаши Комитети билан келишилган тематика бўйича илмий-техника кинофильмлари ва диафильмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириши, шу фильмларни ишлаб чиқариш муддатларини қисқартириши ва уларнинг сифатини яхшилаш, шунингдек бу фильмларни корхоналарда, қурилишларда, колхозлар ва совхозларда тағин ҳам кенг равишда кўрсатиб туриши лозим.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети фан, техника муваффақиятлари тўғрисида ҳамда илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тўғрисида СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг материаллари бўйича радио ва телевидение орқали мунтазам равишда эшиттиришлар ўтказиб туришга мажбурдир.

«Промышленно — экономическая газета», «Сельское хозяйство», «Строительная газета» газеталарининг ва тармоқ журналларининг редакцияларига, шунингдек республика, ўлка ва область газеталарининг редакцияларига Виставканинг фан ва техника муваффақиятларини, меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини акс эттирувчи материалларини матбуотда кенг ёритиб туриш, бу ишда шу муваффақиятларни корхоналар, қурилишларда, колхозлар ва совхозларда жорий қилиш масалаларига асосий эътибор бериш таклиф қилинди.

Давлат комитетларига, министрликларга, бошқармаларга ва Халқ хўжалиги кенгашларига Виставка билан биргаликда илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ учун зарур бўлган типовой лойиҳаларни, чертежларни, технология процессларининг тасвирларини ҳамда бошқа техника ҳужжатларини нашр қилишни ташкил этиш, шунингдек нашр қилинаётган каталоглар ва проспектларнинг сифатини яхшилаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига, область ва ўлка партия комитетларига, область ва ўлка ижроия комитетларига, Халқ хўжалиги кенгашларига ва Виставка дирекциясига ишчилар, колхозчилар, мутахассислар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг Виставкани ташкилий равишда келиб кўришини тартибга солиш вазифасини топширдилар, шунингдек шундай қоида белгилаб қўйдиларки, бу қоидага кўра, дирекция янги техника, технология ва илғор тажрибаларнинг конкрет масалаларини ўрганиб, сўнгра буларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадидагина Виставкага келувчилар учун йўлланмалар бериши керак.

Халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга, бошқармаларга, область ва ўлка ижроия комитетларига, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига Виставкани кўриш учун юборилган кишиларнинг ҳисоботларини Виставка материалларини ўрганиш натижалари бўйича кўздан кечириб туриш ҳамда янги машиналар, асбоблар ва бошқа буюмларнинг намуналарини, шунингдек меҳнатнинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тадбирларини амалга ошира бориш таклиф қилинди.

Виставка Кенгашига Виставка қатнашчиларини тақдирлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги Низомни тўлдириш ва бу Низомда Виставкада кўргазмага қўйилаётган машиналар, технология процесслари ва илғор меҳнат методларининг энг яхши намуналарини актив равишда жорий қилаётган корхона, қурилиш, колхоз ва совхоз коллективлари учун рағбатлантириш чораларини кўзда тутиш топширилди. Бунинг учун ҳар бири 100 минг сўмлик 50 га қадар биринчи мукофот, ҳар бири 50 минг сўмлик 100 га қадар иккинчи мукофот ва ҳар бири 25 минг сўмлик 200 тага қадар учинчи мукофот белгиланади.

Медаллар ва мукофотлар коллективларга ва айрим ходимларга саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари активларининг область, район йиғилишларида, корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва колхозлар коллективларининг умумий йиғилишларида топширилди. Виставканинг мукофотланган қатнашчиларини марказий ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидение орқали кенг равишда оммалаштириш назарда тутилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР —КАТТА КУЧ

Шаҳар меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи марраси — 1959 йилни яхши якунладилар. Саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш планини 15 декабрдаёқ бажариб, пландан зиёд 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бундай муваффақиятга эришишда хотин-қизларнинг хизмати катта бўлди.

Шаҳар саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг қарийб 70 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Ипак фабрикаси, «XVI партсъезд» ва «ВЛКСМ XX йиллиги» тикув фабрикалари, «Октябрь 40 йиллиги», Сталин номли, Тельман номли артелларда ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига хотин-қизлар бошчилик қилмоқда.

Хотин-қизлар жамоат ишларида актив қатнашиб, партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини омманинг онгига сингиришда, меҳнаткашларни етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишда катта иш олиб бормоқдалар. СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида ҳам шаҳар хотин-қизларининг вакиллари бор. 71 хотин-қиз шаҳар Советининг депутати, 21 киши шаҳар партия комитетининг аъзосидир. Кўплаб хотин-қизлар лектор, пропагандист бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда халқ маорифи системаси ва соғлиқни сақлаш муассасаларида хотин-қизлар сони анча кўпайди. Бунга сабаб шуки, шаҳар партия ташкилотлари хотин-қиз кадрларни танлаш, тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласи билан жиддийроқ шуғуллана бошлади. Хусусан, ўзбек хотин-қизларининг ташкилотчилик ролини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳозир 316 хотин-қиз мактаблар ва педагогика институтида ўқитувчилик қилаётир, 600 га яқин хотин-қиз медицина муассасаларида хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларнинг коммунистик қурилиш соҳаларидаги ролининг ортиб бориши партия ва совет ташкилотларидан оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савиясини юқори кўтаришни, уларни жамоат ишларига янада кенгроқ тортишни талаб этади. Шаҳар партия комитети бу соҳада анчагина ишлар қилди.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф уйида «Етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашда хотин-қизларнинг роли», «Хотин-қизлар—коммунизмнинг актив қурувчилари», «Оилада бола тарбияси», «Совет хотин-қизларининг маънавий қиёфаси» деган темаларда лекциялар ўтказилди. Шаҳарком бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликда клублар ва агитпунктларда «Мўъжизасиз мўъжизалар» деган темала кимё ва физика фанлари янгиликларига бағишланган кечалар, ёзувчилар, коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

Кейинги ойларда «XVI партсъезд», «ВЛКСМ XX йиллиги», пойафзал ва ипак фабрикаларида оилавий кечалар ўтказила бошланди. Бу яхши натижалар берди. Йиғилишга оила аъзолари билан келган кишилар «Муҳаббат ва ўртоқлик ҳақида», «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси ҳақида» ва бошқа темаларда мароқли суҳбатлар тингладилар, сўнгра ўзаро фикр алмашувлар бўлди. Оилавий кечаларда олий ва ўрта ўқув юртларининг Наришкин, Ўрмонова, Вейс, Савина, Мирзажонова сингари ўқитувчилари лекция ўқимоқдалар. Шаҳарда комсомолёшлар учун 15 жойда лекторий ташкил қилинди.

Хотин-қизлар сиёсий малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилаётир. 57 хотин-қиз кечки марксизм-ленинизм университетида, 15 киши конкрет экономикани ўрганиш мактабида ўқимоқда. Умуман хотин-қизлардан 500 киши партия маорифи тўгараклари ва таълим олмоқда.

Шаҳар маданият уйи коллективи (мудири Ўртоқ Жалилова) хотин-қизлар, хусусан уй иши билан банд аёллар орасида катта ишлар олиб бормоқда. Маданият уйида бичиш ва тикиш, машинкани ўрганиш тўгараклари бор. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларидан Соломова, Қодирова, Ғуломова ва бошқалар Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашиб, яхши обрў қозондилар.

Саноат корхоналари, ўқув юртлари, маҳаллаларда ташкил этилган хотин-қизлар Советлари оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларни яхшилашда партия ва совет ташкилотларига яхши ёрдам кўрсатмоқда.

Бу кўрилган тадбирлар умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлигини таъминлашда ижобий натижалар берди. 22 бригадага коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. 136 бригада коллективи шу номни олиш учун курашмоқда.

Бироқ, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилишда айрим камчиликлардан ҳали эмасмиз Илмий-атеистик темаларда жуда кам лекция ўқилади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар, хусусан кўп болалик оналар лекциялар, докладлар, суҳбатлардан тўла баҳраманд бўлолмаётирлар. Уйда ўтириб қолган хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш соҳасидаги амалий ишимиз ҳам ҳали қониқарсиз. Шу каби хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учраб турадики, келгусида бунга барҳам беришимиз керак.

Шаҳар хотин-қизлари етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга бутун куч ва ғайратини сафарбар этадилар.

Б. ОМОНОВА.

Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ЯХШИ БОШЛАНДИ

Тушки овқат пайти. Қиш чилласи бўлса ҳам қуёш нури кўзга тушса қамаштиради. Эртароқ овқатланиб бўлганлар завод ҳовлисидаги скамейкаларда тўп-тўп бўлиб қизғин суҳбатлашаётир. Соат чораккам бир. Анатолий папиросини устма-уст тортиб, сўнг ташладида, тўпдан секин чиқиб цехга кириб кетди. Цех бўм-бўш. Фақат Анатолийнинг станоги ҳаракатда. У ҳеч қаерга қарамай, олдида тахлаб қўйилган электр моторнинг «Шчек 04—6» деталини пармалай бошлади. Соат бир бўлиши билан ҳамма иш бошлади. Бир пасда станокларнинг ҳаракати цехни ларзага келтирди. Анатолий Добриднев бошқалар иш бошлагунча 3—4 та детални қўлдан чиқарди.

— Янги йилда янги куч, янги ғайрат билан иш бошладим,— дейди «Подъемник» заводи 2-механика цехининг аъзоси Анатолий Добриднев.— Бу йил ҳаётимда муҳим ўзгариш юз беради. Яқинда цехимиздаги ўртоқ Н. Горбунов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасига аъзо бўламан. Шарафли номга эга бўлган бригада аъзоси бўлгач, дўстларим каби коммунистчасига ишлайман, яшайман, ўқийман. Янги йилнинг дастлабки иш кунидан бошлабоқ жон куйдириб ишлаб, кунлик нормамни бир ярим ҳисса бажарганлигимнинг сабаби бор. Ҳозирдан астойдил енг шимариб ишласам, йил охирига бориб, планни ортиғи билан бажариб юзимиз ёруғ бўлади.

Завод коллективи А. Добриднев каби янги йилнинг биринчи иш кунларидан бошлаб етти йиллигининг иккинчи йили топширириқларини муддатидан илгари бажаришга астойдил бел боғлаган.

А. ЖАҲОНГИРОВ.

Биринчи телевизион театр

Москва ва Россия Федерацияси 15 областининг меҳнаткашлари янги йилга ажойиб совға олдилар—пойтахтда Совет Иттифоқида биринчи телевизион театр қурилмоқда. Бу театр Моссовет театрининг собиқ биносида (Журавлев майдонида) очилади. Театр биноси Москва шаҳар ижроия комитетининг қарорига мувофиқ телевидение марказий студиясига берилади.

Янги театрда студия ҳар куни томошабинлар учун очиқ спектакллар ва концертлар бериб, бу спектакль ва концертларни айни бир вақтда экранда ҳам кўрсатиб боради. Бу спектакль ва концертларни Москва ва Россия Федерациясининг пойтахт телевизион маркази эшиттира оладиган радиусдаги 15 областининг телевизион томошабинлари кўришлари мумкин.

Драма, опера, болалар спектакллари, концертлар кўрсатиш, балиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишларини ташкил қилиш мўлжалланади.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД БЎЛМОҚДА

ОБОДОНЧИЛИК

Янгиариқ районидаги Карл Маркс номли колхоз 1959 йилни қишлоқ хўжалиги соҳасидагина эмас, ободончиликда ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунлади. 45 хўжалик янги уйга кўчиб кирди, колхоз меҳмонхонаси, 2 та магазин биноси, катта молхона қурилди. 1960 йилда 800 киши сиғадиган клуб биноси, хаммом, 11 йиллик мактаб, колхоз правлениеси учун бино ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш планлаштирилди.

Ф. Жабборов.

БИР СМЕНАГА

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхоз правлениеси 8 хонали янги мактаб биноси қурди. Бу билан колхоз мактабида ўқиш бир сменага кўчирилди.

С. Мирзалиев.

МАИШИЙ КОМИССИЯ ЁРДАМИ БИЛАН

Косон районидаги Хрушчев номли совхоз ишчи-хизматчилари ўртасида янги уй-жой қурувчилар тобора кўпаймоқда. Совхоз ишчилар комитетининг маиший комиссияси ҳам ғишт ва ром тайёрлаш, бино деворларини коллектив равишда қўтаришга бошчилик қилмоқда. Ҳозир шу йўл билан совхознинг 67 ишчи, хизматчиси янги уй қуриб олди.

В. Ивашкевич.

ГАЗ КЕЛДИ

Хўжаобод райони марказига газ келтирилди. Ҳозир жамоат бинолари ва хонадонлар газлаштирилмоқда.

Район марказида қурилаётган ҳаммом битказилиб, ишга туширилди.

Д. Мадиёров.

60 КОЛХОЗЧИ ЯНГИ УЙДА

Фарғона область, Киров районидаги «Москва» колхозининг 60 аъзоси колхоз правлениеси ёрдамида янги уй қуриб, кўчиб кирди.

Э. Муқимов.

Оталиқ ёрдами

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Володарский номли тикувчилик фабрикасининг коллективи ўз оталиғидаги Охунбобоев номли колхозда 50 ўринли болалар боқчаси қуриб берди. Колхозчи оналар фабрика коллективидан жуда миннатдорлар.

«ЎЗБЕК ШЕЪРЛАРИ»

Озарбайжон давлат нашриёти қўмитасида ўзбек шоирларининг энг яхши асарларини алоҳида китоб қилиб, китобхонларга тақдим этди. «Ўзбек шеърлари» деб аталган бу тўпламга Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Ғайратий, Ҳамид Ғулом, Асқад Муҳтор, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Султон Акбарий ва бошқа шоирларнинг энг яхши шеърлари киритилган.

ТЎЙ УСТИГА ТЎЙЛАР

Дўстлар, шу кунларда Фарғонамизга бир келинг. Сизга ҳамма вақт завқ бағишлаб келган бу гўзал водийнинг чеҳраси яна ҳам очиқ, бағри яна ҳам кенг бўлиб кетди. Ўз ҳалол меҳнатининг гаштини сураётган, шонли етти йиллигининг биринчи йилини зўр муваффақиятлар билан якунлаган фарғоналикларнинг уйида тўй устига тўйлар бошланиб кетди.

Дўстларимиз жуда кўп. Ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Ҳар кимнинг орзу-ҳаваси ушалиши керак. Ҳамма тўй қилишга, меҳмон чақириб дастурхон безатишга ишқибоз. Меҳнатнинг таги роҳат деб билган халқимиз пахта байрамини янги йил тонгида бошлаб юборди.

— Кимникига бориш керак?

Қувасойнинг кенг адрлари бағрида фарғоналиклар катта тўй бошлаб юборишди. Ҳамзаобод деҳқонидан тортиб Қувасойнинг ишчисигача, қўшни киргизистонлик пойгачи улоқчилардан тортиб Тожикистон пахтакорларининг вакилларигача фарғоналикларнинг уйида меҳмон бўлиб турибдилар.

— Пойгада ким ютиб чиқар экан?

— «Москва»нинг оти зўр.

— Каптархона чавандозлари ҳам бўш келишмайди.

Минглаб кишилар традицион спорт ўйини, пойга ва улоқни томоша қилиш учун бу ерга келганлар. Карнай-сурнай садолари янграйди. Ашулачилар, ўйинчилар, қизиқчилар, аскиячилар халқ хизматида. Қувасойдаги Ленин номли колхознинг ҳаваскорлар тўгараги пахта байрамига бағишланган янги концерт программаси билан чиқиб ҳаммани қойил қолдирди.

— Айтганимиздек бўлди. — деди трибунада турган «Москва» колхозининг раиси Ўртоқ Икромов, — бизнинг «Дара» пойгада биринчи келди.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг кишилари ўз чавандозлари, курашадиган полвонлари ва спортчининг бошқа турлари билан шуғулланадиган кишиларининг мусобада ютиб чиқиши учун қайғирадилар.

Марғилонликларнинг тўйига бормасангиз ҳафа бўлишади. Тўй бошида Солижон ота турибди. Абдулла полвон меҳмон кутади. Охунбобоев номи берилган тошлоқликларнинг шодиёнаси айниқса ғаликсиз. Бу ерда республикага донги кетган азамат пахтакор кўп. Максим Горький номли колхознинг донгдор пахта устаси Султонполвон майдонга келиб кирди. «Ёғоч полвон» номи билан ёшликдан бери кураш тушиб елкаси ерга тегмаган бу норғул мўйсафид қарилик нималигини билмайди. Унинг кенг елкалари тоғни кўтарса-кўтаргудек.

— Курашми, улоқми, ёки пойга бўлса ҳам тайёрмиз — дейди полвон. Пойга турмушимизга сингиб кетган. Йил бўйи меҳнатда ҳам қўшилиб бирлашиб келдик.

Ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириб ўз сўзининг устидан чиққан «ёғоч полвон» уч йилдан бери улоқда олади-ю, олдирмайди.

Фарғонадан Қўқонга қараб юрсангиз ҳамма ерда сизни дўстлар кутади. Тўй дастурхонлари борган сари сероб бўлиб келмоқда. Наймончадан келган бир хатда Жданов номли совхознинг кекса ишчиси Шаҳобиддин ота ҳаммани тўйга чақирибди. «Ёшлигим дарбадарликда ўтди. Умримда тўй кўрмаганман. Қандай қилиб уйланганлигимни айтмасам ҳам бўлади. Мана, совхозимизда катта тўй. Мен ҳам бугун ўғлим Ғуломиддинни уйлантирмоқдаман. Менинг дарғоҳим кенг, дастурхоним мўмай, хаммангиз келинг. Катта тўйнинг бошида ўзим турибман».

Шаҳобиддин отанинг тўйига ўхшаган тўйлар жуда кўп. Кенг асфальт йўлларда кетган узилмай ғизиллаб бораётган машиналарни тўлдириб олган қизларнинг қўшиқлари водий бўйлаб янграйди:

Меҳнат қилиб мардона
Элга ёқдим ёр-ёр
Планимни тўлдириб,
Орден тақдим ёр-ёр.

Юртим обод элим тўқ,
Бахтиёрман ёр-ёр
Партиямдан бир умр
Миннатдорман ёр-ёр.

Фарғонада пахта байрами ана шундай ўтмоқда. Неча юз минг гектарлаб ерни обод қилаётган, коммунизмнинг улуғвор ишига муносиб ҳисса қўшаётган фарғоналиклар ана шу кенг водий каби катта дастурхонда давра қуриб тўй қилмоқдалар. Ўз ғўзал водисини Катта Фарғона канали каби чулғаб олган халқ тўлқинининг шодиёнаси борган сари кучайиб, фаровон ҳаётимизнинг чинакам тантанасини намойиш қилмоқда. Шу кунларда Фарғонамиз ана шундай. Қелиқлар дўстлар.

Адҳам ҲАМДАМ.

ДЎСТЛИК ИНШООТЛАРИ

ҚАРДОШ ТОЖИК ЕРЛАРИДА

Кўз олдингизга саратон қуёши тиғи остида қовжираб ётган бўм-бўш бир биёбонни келтиринг. У биёбоннинг бир чеккаси пасту-баланд тепаларга, ундан нари ўтиб эса юксак тоғларга туташиб кетади. Биёбон ёнбошида, тепалар этагида эса кўҳна қирғоқларни шипиллатиб ўпиб, қадимий дарё оқади. Бу биёбон ва дарёнинг сарғиш тепалар этагига туташиб кетадиган жойига етиб борганингизда яна бошқача бир манзарани кўрасиз: дарё ўзининг эски йўлида ғоҳ имиллаб, ғоҳ ҳовлиқиб оқиб ётибди. Унинг ёнбошидаги неча минг йиллар бўйи қовжираб ётган чўл ҳаракатга келган. Бу ерда экскаваторлар хартумини чўзиб пишқирмоқда, тупроқни кафти билан таталаб тортиб, ўйиб-ўпириб, тумшуғи билан ковлаб, сербар кифтини тутиб келган чарчамас самосваллар ярининга уюб бермоқда.

Учқур машиналар турна қатор тизилиб, чўкиб ётган сап-сариқ тупроқни бошқа ерга, олис жойларга элтиб ташламоқда. Дарё ёнбоши ўпирилиб, ер гумбирламоқда. Хилма-хил машиналар бу ҳувулладган биёбон қучоғига янада бошқача кайфият киритган. Қанчаданқанча мастерлар, пайвандчилар улкан темирларни бир-бирига улаб, дарёга тўғон солишмоқда. Тупроқ қатлами ўрнида сира-сира кўчмайдиган бетон қатламлар бунёд этилмоқда. Бу ер қардош ва қондош Тожикистоннинг машҳур Вахш водиси қучоғидаги Вахш ГЭСи қурилишидир. ГЭС азамат Вахш водисини зар камардек чулғаб ўтган ўша сўлим ва серноз Вахш дарёси белига қурилаётир. Бу — улуғвор етти йиллик қурилишларидан биридир.

Қурувчилар ҳаракатидан тетиклариб кетасиз. Уларнинг юзларида балққан мардона ғурур, гапларидаги ғолибона шўхчанлик сизга ҳам дадиллик, илҳом бағишлайди. Бир дамда атрофдаги сарғиш ҳорғинлик туси ўзгаргандек бўлади, ҳаёт ёрқинлашади.

— Сиз бу ерда кўпдан бери ишлайсизми?

— Бир йилча бўлди,— деб жавоб беради,— ўрта бўйлик йигит.— Олдин Қайроққумда эдик, уни ишга туширгач, бу ерга келдик.

3-участка бошлиғи, Виктор Яковлевич Ненахов майин табассум билан қурилишга бошлаб боради. Ҳозирча қадди 20 метрдан зиёдроқ кўтарилган, яна устига 20 метр баландликда темир-бетон уюладиган тўғон деворларини кўрсатди, бетончилар билан таништирди.

— Қайроққумдаги халқлар дўстлиги рамзи бўлган ГЭСларингизнинг хизмат даври бутун оламга кетди. Энди янги ГЭС қурояпсизларми?

— Янги дўстлик ГЭСи қурояпмиз, Ўрта Осиёда энг арзон электр қуввати берадиган ГЭС қурояпмиз,— деди йигит ва дарёга ишора қилди.— Анови кўриб турганингиз эринчаклик билан оқиб ётган дарёни қуйисидан шартта бўғамиз. Сувни мана бу тўғонлар девори сари бурамиз. Юқорида сув димланиб, катта сув омбори пайдо бўлади. Электр генераторини айлантириб, ўз хизматини ўтаб бўлган сув эса янги изидан ўйноқлаб, пахтазорлар сари чопади. ГЭС нуридан Сталинободдан тортиб, бутун Вахш файз топади.

— Қойил, қойил,— дедик беихтиёр.

— Ўшанда бу қовжираган биёбондан асар ҳам қолмайди,— сўзида давом этади йигит.— Келганингизда Вахшнинг бошқа қисмларидагидек бу ерда ҳам бахрудилингиз очилади, яйраб-яшнаб кетасиз. ГЭС атрофидан тортиб, бу яқин-йироқлар сўлим боғларга, яшил пахтазорларга, обод шаҳарчага айланади.

Бу гаплар қалбимизни тўлқинлантиради:

— Офарин, дўстлар, ниятингизга етинг,— дедик, кўзларида табассум балқиб турган йигитнинг қўлларини қаттиқ-қаттиқ қисиб.

Ундан ўтиб, бошқа қурувчилар билан суҳбатлашдик. Қунига ҳар бири бир қоядек метин ва букилмас бетон деворларини тиклаётган бетончилар — Сангин Нурбоев, Маҳаммадалиев, тоғ-тоғ тўпроқни ер қаъридан ўпириб ташлаётган экскаваторчилар — Прохор Паласухин, Аркадий Клейменлар, уста дуралгорлардан Оденцов, Дмитров каби ўнлаб азаматлар билан учрашдик. Уларнинг ғайрат ва матонати бир китобга сиққудек, бир улкан достонга мавзу бўлгудекдир.

Ана уларнинг бири 10—15 метр пастликда, яъни бўлажак ГЭС тўғонининг тагида чамбарагулчин қилиб, бир-бирига чандиб, улаб ташланган темир арматуралар чангалзори орасида, бири пўлатлардан ўт-аланга чиқариб, иккинчиси бетон қолипларни бир-бирига улаб, учинчиси эса самосваллар тўкиб кетган бетон қоришмаларини ўрнига тўкиб, текислаб, бир-бирига ҳайқириб, қичқириб, ўрни келганда чақчақлашиб ишлаб юриптилар.

Бир боққанда улар қилаётган ишларнинг чегарасини ҳам, матонатлари уфқини ҳам қуча олмай қоласан, киши. Ҳа бу етти йиллик азаматлари қилаётган ишларнинг ҳажми бениҳоя улкан экан. Қурувчиларнинг фахр билан таъкидлашларига кўра, улар бу етти йиллик ГЭСиницг мўлжал бўйича 1962 йилда ишга тушиши керак бўлган биринчи агрегатини 1961 йилдаёқ ишга тушириш мажбуриятини олиптилар. Қолган агрегатлар эса 1965 йилнинг бошларида тўла қувват билан ишга тушар экан.

7 миллион кубометр сув сиғадиган омбор зилол сувларини мавжлантириб, ҳозир қақраб ётган чўл об-ҳавосини ўзгартиради. Мардона қурувчилар бундай режалар ҳақида фахрлана-фахрлана сўзлайдилар. Халқларимиз дўстлиги, иноқлиги қандай улуғ қудратга эга-я! Шу дўстлик куни кечагина икки қон-қардош республикамиз кўрки бўлаётган ўша машҳур Фарғона канали мавжларини, Сталинободнинг кўрки Ҳисор каналини, Вахшнинг файзи Вахш канали тўлқинларини, Мирзачўл чаманларини, Қайроққум каби ГЭСларни яратган эди. Шу социалистик дўстлик бугун Мирзачўлда қўлни-қўлга бериб, чўлни қисиб бораётган бўлса, мана ўша дўстлик чамани — Вахш кўксида янги сув ва нур чашмасини очмоқда. Ўтгизинчи йиллардан олдинроқ тожик, ўзбек, рус, украин, озарбайжон, белорус, татар ва бошқа ўнларча халқларнинг ўғил ва қизлари ёнма-ён туриб забт этишга киришганлари ва ҳозирги кунда шу халқлар дўстлиги қудрати билан қадрдонлик чаманига, ипак пахта диёрига айланган ва айланаётган водиниг сўнгги қақроқ ерларига ҳам ҳужум қилиш учун курашни қизитиб бормоқдалар.

Вахш водисида табиатни жадал жиловлаш лавҳаларидан фақат бирини биз тожик халқининг севимли, ишчан ўғилларидан бири ўртоқ Азизов бошчилик қилаётган қурилишда, яъни юқорида тасвирлаганимиз. Сталин номли Вахш каналининг янги бош тўғон ГЭСи ва сув омбори қурилишида ҳам кўрдик. Бу ГЭС ҳам халқларимизнинг ленинча асл дўстлиги ғулдасталаридан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Шотурсун ҒУЛОМОВ.

КОЛХОЗЧИЛАР МИННАТДОР

Андижон область. Избоскан районидаги Сталин номли колхоз клубида 16 колхозчидан иборат ҳаваскорлар тўгараги ташкил этилган эди. Тўгарак раҳбари Ф. Мамадалиев ғайрат билан ишлаб тўгарак аъзоларини турли музика асбобларида маҳорат билан чалишга ўргатди. Тўгарак аъзолари радиоузел орқали мунтазам концерт бериб турадилар. Арча байрамида ҳаваскорлар қувноқ болаларни жуда хурсанд қилдилар. Пахта байрами кунларида ҳаваскорлар тўгараги областнинг Пахтаобод, Сталин, Хўжаобод ва бошқа районларидаги колхоз ва совхозларга бориб томошалар кўрсатди.

Н. ИНОҚОВ.

Тошкент индустриал техникуми студентлари ишлаб чиқариш практикасини замонавий ускуналар ва кўргазмали куроллар билан жиҳозланган устахонада юксак савияда ўтказмоқдалар. Бўлажак мастерлар бу ерда юқори малака оладилар. СУРАТДА: Мунир Жўраев (ўнгда) ва Анатолий Уваров техникум цехида мотор тузилишини ўрганмоқдалар.

С. Бажин фотоси.



ҚИСҚА ХАБАРЛАР

▲ Жиззах районидаги Сталин номли колхоз қишлоғи тобора йилдан-йилга обод бўлмоқда. Колхознинг етти йиллик мактаби янги қурилган синфхоналар ҳисобига кенгайиб, ўрта мактабга айлантирилди. Колхозчилардан 200 хўжалик янги уй қуриб кирди.

И. Донишев.

▲ Фарғона областидаги «Риштон» совхозининг «Авазбой» бўлимидаги ўз-ўзига хизмат қилувчи ошхонада сомса, кабоб, манти каби лаззатли миллий овқатлар пиширилмоқда.

Ҳ. Йўлдошев.

▲ Нукус шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида янги аптека ва насиятга товар сотувчи магазин очилди.

Б. Жарамбетов.

▲ Наманган область, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ўрта мактаб учун катта бино қуриб берди. Ўқувчилар шу янги бинода ўқимоқдалар.

Ҳ. Абдуназаров.

КПСС МК ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

☆ ☆ ☆

РЕЗЕРВ БОР

Орденли Самарқанд области далаларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорини гоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари Пленум материалларини кенг муҳокама қилиб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг янги резервларини қидириб топмоқдалар.

Иштиҳон район партия комитетининг секретари Д. Воҳидов бундай дейди:

— Ҳозир районимизнинг ҳамма жойида кишилар Пленум материаллари тўғрисида гапирмоқдалар. Пленум материаллари колхозчиларни ва совхозларнинг ишчиларини пахта, дон, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга илҳомлантирмоқда. Бу йил район давлатга 43 минг тонна ёғи планда белгиланганидан олти минг тонна кўп пахта сотди. Пахта етиштириш бўйича етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага эришилди. Чорва моллар сонини ўстириш, эгачилик ва чорвачиликнинг ҳамма турдаги маҳсулотларини сотиш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилди.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашларнинг эътибори келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратишга қаратилгандир. Ирригация-мелиорация ишлари кенг кўламларда олиб борилмоқда. 31 километр узунликда коллектор ва зовурлар қазилмоқда. Бу ҳол 1200 гектар ернинг унумдорлигини ошириш имконини беради.

Ўғитлардан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. 27 ихтисослаштирилган бригада ўғит тайёрлаб, ҳозирданоқ 17 минг тонна гўнг ва шунча миқдорда эски девор кесаклари далаларга чиқарилди. Ҳар гектар ерга камида ўн беш тоннадан ўғит чиқаришга қарор қилинди.

Етти йилликнинг иккинчи йилида 10.500 гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилади, ҳамма ғўзаларни механизмлар воситаси билан икки томонлама парвариш қилиш мўлжаллаб қўйилди. Колхозларда ва 1-«Қўшравот» совхозининг бўлимларида карталар йириклаштирилиб текисланмоқда, техника ремонт қилинмоқда, 20 минг гектар майдонда нам тўплаш ва шўрларни ювиш ишлари олиб борилмоқда. Кузги шудгорлаш муддатидан илгари тамомланди.

Районда 163 та бригада ва 85 та комплекс механизациялаштирилган звенолар ташкил қилиниб, 207 та экиш агрегатлари тахт қилиб қўйилди. Чигитни ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олиб борилаётган амалий машғулотларда деярли бир ярим минг киши қатнашмоқда.

Областдаги кўпгина колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг янги резервларини амалда татбиқ этмоқдалар.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Фарғона областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини зўр активлик билан муҳокама қилмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитети тарихий декабрь Пленумининг қарорлари билан танишганда қалбимиз Ватанимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошади, — дейди Ленинград районидаги Сталин номли колхознинг раиси Мирзаахмад Деҳқонов. — Партиянинг XXI съездидан кейин мамлакатимизда эришилган галабалар ҳар бир совет кишисини қувонтирмоқда. Лекин биз эришилган ютуқлар билан ҳовиржам бўлиб қолмаймиз.

Коммунистик партия бизларни янги чўққиларга даъват этмоқда. Биз ўз резервларимиздан фойдаланиб, колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини ва биринчи навбатда пахтачиликни янада кескин суръатда юксалтирамиз. Шу етти йилликда колхозимиз пахта етиштиришни асосан, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтиришни мўлжаллайди. Бу йил биз 730 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнер ҳосил етиштирдик ва давлатга сотдик ҳамда шу билан етти йилликнинг охирги йилига белгиланган топшириқни бажардик. Биз келгуси йилда гектарига 38 центнердан ҳосил олишга қарор қилдик. Ҳозирги вақтда кузги шудгорлаш ишларини тамомлаб деб қолдик, яхоб бериш ва маҳаллий ўғит тайёрлаш қизғин бораётир. Техника тез суръатлар билан ремонтдан чиқарилмоқда.

Кўклам пайтида, мумкин бўлган ҳамма майдонларга чигитни квадрат-уялаб экамиз ва ғўза қатор ораларининг икки томонлама ишланишини таъминлаймиз, барча дала ишларида, айниқса теримда техникадан тўла фойдаланамиз. Бунинг учун колхоз яна бешта пахта териш машинасини сотиб олмоқчи.

БИРИНЧИ МАҲСУЛ

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг қишлоқ хўжалик экономикаси институти яқинда ўзининг дастлабки маҳсулоти — илмий асарларнинг биринчи тўпламини нашр қилди.*) Тўпламга институтда 1958 йилда бажарилган илмий ишларни ифодаловчи 10 дан ортиқ мақолалар киритилган. Бу мақолалар тема жиҳатдан актуаллиги, республикамиз колхоз ва совхозларининг экономикасига доир материаллар асосида ёзилган ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг резервларидан фойдаланишга қаратилган қимматли таклифларни илгари сурганлиги билан характерлидир.

Тўпламда сўнги йилларда республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган улуғвор вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган илмий ишларга катта ўрин берилган.

Иқтисод фанлари кандидати И. Н. Тогоевнинг «Колхоз тузумини ривожлантиришда янги давр ва колхоз ишлаб чиқаришини ташкил қилишни янада такомиллаштириш» деган мақоласида республикамизда урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ажойиб муваффақиятлар ва етти йилликдаги асосий вазифалар баён қилинади. Автор республикамизда қишлоқ хўжалигини механизациялашнинг ривожланиши, маҳсулот тайёрлашнинг янги системаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган нархларни пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб беради.

Етти йилликда қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилувчи шартлардан бири — ишлаб чиқаришни механизациялаш ва электрлаштиришни кенгайтириш, колхоз ва совхозларни илғор техника билан қуроллантиришдир. Иқтисод фанлари доктори Д. Д. Эрлихнинг мақоласи ана шу муҳим масалага қаратилган. Маълумки, етти йилликда пахтачиликни комплекс механизациялашни тугаллаш ва шу асосда илғор машиналар системасини вужудга келтириш керак. Бу истиқбол плани планлаштириш органлари, қишлоқ хўжалик органлари ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда илмий ходимлар ҳамкорлигида тузилиши керак. Мақолада истиқбол планни қандай тузиш ва бунинг учун қандай масалаларни муҳокама қилиш, нималарга алоҳида эътибор бериш лозимлиги кўрсатилади.

Етти йилликда меҳнат унумдорлиги колхозларда 2 баравар, совхозларда 60—65 процент ўсиши кўзда тутилади. К. Лапкин, Э. Антронова, Ф. Қаюмовларнинг «Хоразм область колхозларида меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари», В. Т. Улиянийнинг «Ўзбекистон совхозларида пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари», В. Ц. Платоновнинг «Пахтакор совхозларда трактор-далачилик бригадаларининг тажрибаси» мақолаларида пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва резервлари кўрсатиб берилган ва бу масалаларда бир қанча таклифлар айтилган.

Бундан ташқари бир қатор мақолаларда колхозларда хўжалик ҳисоби, пул билан ҳақ тўлаш тажрибаси, пахтага белгиланган янги нархларнинг иқтисодий аҳамияти ва ирригация масалаларига доир илмий-текшириш натижалари баён қилинган.

Қишлоқ хўжалик экономикаси институтининг биринчи тўплами институтда илмий ишлар қизитиб юборилганидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, келгуси тўпламларда колхозлардаги бўлинмас фондлардан фойдаланиш, РТСларнинг иш тажрибалари, республикамиз қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқлари—ипакчилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларига бағишланган илмий-текшириш натижаларини ҳам эълон қилиш керак.

Шуни айтиш керакки, тўпламда кўп қимматли таклифлар, тавсиялар бор. илғор тажрибалар умумлаштирилган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга алоҳида аҳамият бериши керак.

Ҳ. СОБИРОВ,
Иқтисод фанлари кандидати.

*) «Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик экономикаси масалалари» 1-нашр 1959 йил.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲАЛ ҚИЛСИН

Ленинграддан хат

—Бизда, советлар мамлакатида Ватан шуҳратини жуда баланд чўққига кўтарган миллионларча ажойиб ватанпарварлар бор,—деди 1903 йилдан берли КПСС аъзоси Д. А. Лазуркина Ленинград актив йиғилишларидан бирида.—Шу билан бир вақтда бизда ҳаётимизда рўй бераётган ҳамма воқеаларга лоқайдлик билан қарайдиган кишилар ҳам бор.

В. И. Ленин билан бир неча марта учрашган Д. А. Лазуркина улуғ доҳининг лоқайд кишиларни нақадар ёмон кўришини ва пролетариат ишининг ғалабаси учун астойдил ва ғайрат билан, қалбнинг бутун ҳарорати билан курашга чақирганлигини эслайди.

Шонли Ленин партияси тарбиялаган совет кишиларининг ажойиб фазилатлари билан биз фахрланамиз. Лекин, меҳнаткашларни тарбиялаш ишида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор. Меҳнат интизомини ва жамоат тартибини бузиш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради. Партия мамлакатимизда коммунизм қурилиши авж олдириб юборилган ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг ва даставвал ёш авлоднинг коммунистик онгини оширишни энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Партия ҳамма совет кишиларини меҳнатни севиш руҳида тарбиялашни, меҳнатга онгли, коммунистик муносабатни ривожлантиришни тарбия ишининг асоси қилиб қўймоқда. Капитализм сарқитларига —жамоат меҳнатига енгилтаклик билан муносабатда бўлиш, ўғирлик, савдогарлик, ичкиликбозлик, безорилик ва бошқа ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга қарши курашда коммунистик қарашлар ва ахлоқ нормалари мустаҳкамланмоқда. Буржуа қарашлари ва ахлоқининг ҳар қандай кўринишларига қарши жамоат фикрини йўналтириш, жамоатчилик ахлоқига ёт иш қиладиган элементларга қарши қатъий курашни авж олдириб юбориш зарур.

Ленинградда кейинги вақтларда жамоат тартибини бузувчиларга қарши, жиноятчиликка қарши курашда катта тажриба тўпланди. Халқ дружиналари тузишнинг ташаббускори ҳам худди Ленин шаҳрининг меҳнаткашлари бўлдилар. Тўрт орденли Киров заводининг, Болтиқ, Металл ва бошқа заводларнинг ишчилари жамоат тартибини сақлаш бўйича биринчи бўлиб дружиналар тузидилар. Ҳозир шаҳарда 816 дружина бўлиб, уларда корхона ва муассасаларнинг 40 минг ишчи ва хизматчиси уюшган. Уларга партия комитетлари раҳбарлик қилмоқда. Дружиначилар намунали тартиб учун актив курашчилардир. Натижада шаҳарда жамоат тартибини бузиш ва жиноий ишлар сони анча камайди.

Халқ дружиналари фаолиятининг доираси тобора кенгайиб, кўчаларда патруль бўлиб юриш ва жамоат тартибини таъминлаш доирасидан чиқиб бормоқда. Социалистик мулкни сақлаш яхши йўлга қўйилмаган бир қанча корхоналарда дружина аъзоларидан ғўғирликка қарши ташаббускор группалар тузилмоқда.

Киров заводининг халқ дружиналари яхши тажриба тўпладилар. Бу заводнинг ҳамма цех ва бўлимларида жамоат тартибини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Цех ва бўлимларнинг партия бюролари, касаба союз комитетлари ва комсомол бюролари энг муносиб кишиларни халқ дружиналарига тавсия этдилар. Дружиналар йиғилишида командирлар ва уларнинг ўринбосарлари сайланди. Бу заводда ҳаммаси бўлиб 48 дружина бор, дружиналарда 950 киши, шу жумладан 382 коммунист ва 340 комсомол уюшган.

Завод партия комитети дружиначилар билан муттасил тарбия ишлари олиб бормоқда. Партия ва совет органларининг, юстиция ва милициянинг раҳбар ходимлари Маданият уйида, дружиначиларнинг умумзавод йиғилишларида халқ дружиначиларининг ҳуқуқлари ва вазифалари ҳақида, совет кишисининг маънавий қиёфаси ҳақида ва бошқа темаларда доклад қилиб туриптилар.

Киров заводининг дружиначилари меҳнаткашларнинг ишончи ва мададига сазовор бўлганлар. Нарва заставасининг аҳолиси дружиначиларга тез-тез ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилиб турадилар.

—Бир куни халқ дружиналари штабига 10-механика цехи ишчисининг хотинидан хат келди,—дейди партком секретарининг ўринбосари, Киров заводидаги халқ дружиналари штабининг бошлиғи Е. Болдаков.—У ўз хатида эрининг кўп ичишидан ва турмушда ўзини нотўғри тутишидан шикоят қилиб, эрига таъсир кўрсатишни сўраган. Ишчини суҳбатга чақирдик, унинг ахлоқи ҳақида цех комитетини хабардор қилдик, ишчи тузалишга сўз берди ва сўзининг устидан чиқди. Дружиначиларимиз график бўйича навбатчилик қилибгина қолмай, район ва шаҳарда ўтказиладиган рейдларда ҳам қатнашадилар. Катта чўян қуйиш цехининг дружиначилари завод яқинида яширин ичкиликбозлик қилинадиган жойлар борлиги ҳақида хабар олдилар. Цех партия бюросининг секретари Е. Богданов раҳбарлигида улар махсус рейд ташкил қилдилар ва тартибни бузувчиларни жиноят устида қўлга туширдилар.

Меҳнаткашларнинг жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва социалистик турмуш қоидаларига риоя қилиш учун қурашда иштирок этишининг муҳим формаси—ўртоқлик судларидир. Бундай судлар «Электросила», «Красная Заря», Ижор заводларида, Володарск номли фабрикада ва бошқа кўпгина корхоналарда фаол ишламоқда. Ҳар бир ишнинг ўртоқлик суди мажлисида кўриш—бу ерда қатнашганларнинг ҳаммаси учун катта тарбия мактабидир.

Кўп мисоллардан бирини келтирамиз. Пўлат прокат заводида ўртоқлик суди 1953 йилдаёқ тузилган эди. Бу суд бутун коллектив орасида ҳурмат қозонган энг обрўли ишчилардан ташкил топган бўлиб, унга мастер Н. Ковалев бошчилик қилади. Кейинги икки йил ичида ўртоқлик суди 73 ишни кўриб чиқди. Бу ерда ҳамма ишлар завод, цех ишчиларининг фаол иштироки билан муҳокама қилинади, суд биринчи навбатда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган натижа чиқаришга ҳаракат қилади.

Масалан, 3-цех ишчиси Богданова меҳнат интизомини бузар, ётоқхонада жанжал чиқарар эди. Ўртоқлик суди уни жавобгарликка тортди. Ишни муҳокама қилишга у ишлайдиган цехдаги ишчиларгина эмас, бошқа цехдаги ишчилар ҳам келишди. Судда сўзга чиққан кекса ишчилар ва ёш ишчилар Богданова ахлоқини қатъий қораладилар, уни заводдан бўшатишни талаб қилдилар. Бу Богданованга қаттиқ таъсир қилди, у заводда қолдиришларини илтимос қилди ва бутун коллективга ҳалол ишлашга, турмушда ўзини муносиб тутишга сўз берди. Коллектив унинг илтимосини қабул қилди. Нима бўлди денг? Энди ўртоқ Богданова цехда намунали меҳнат қилмоқда ва ётоқхонада ўзини яхши тутмоқда.

Ҳозир Ленинградда уй бошқармаларида ҳам ўртоқлик суди тузилмоқда. Масалан, Дзержинский районидаги ҳамма 23 уй-жой конторасида ана шундай судлар ташкил қилинди.

Ўртоқлик судлари хатога йўл қўймасликлари ва самарали ишлашлари учун Ленинградда тажрибали халқ судлари, прокуратура ходимлари уларни оталикка олмоқдалар. Суд ва прокурорлар суд процессларини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар.

Социалистик тартибни мустаҳкамлашда жамоатчилик ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. Ленинград район Советларининг сессияларида жамоат тартибининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш чоралари ҳақидаги масалалар муттасил муҳокама қилиб турилади. Сессияларда тартибнинг бузилишига нималар сабаб бўлгани анализ қилинади, маҳаллий Советнинг, унинг ижроия комитети, бўлимлари ва бошқармаларининг олиб бораётган маданий-тарбиявий ишларининг аҳволи муҳокама қилинади. Дзержинский район Советининг сессияси худди шундай ўтказилди. Бу сессияни тайёрлашда депутатларнинг катта қисми, совет активлари иштирок этдилар. Сессияда ижроия комитетининг, корхона ва муассаса раҳбарларининг кишиларни тарбиялаш, қонун ва жамоат тартибига риоя қилиш соҳасидаги ишлари муфассал муҳокама қилинди.

Ленинграддаги маъмурий органлар ҳам ўз ишларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Суд, прокуратура ва милиция органлари жамоат учун унча хавфли бўлмаган жиноятлар ҳақидаги ишни меҳнаткашлар коллективларининг илтимосига биноан кўп ҳолларда тўхтатиб қўйдилар ва жамоат ташкилотлари муҳокамасига юборадилар. Жамоат ташкилотлари тартибни бузган кишининг қилмишларини муҳокама қилишга жиддий қарамоқдалар. Маъмурий органлар коллектив кафиллигига берилган кўпгина кишилар жамоатчиликнинг таъсири натижасида ҳалол ҳаёт кечириш йўлига ўтмоқдалар.

Болалар назоратсизлиги ва уларнинг тартибни бузишларининг олдини олишда Ленинград халқ маорифи, милиция ва прокуратура органлари билан бир қаторда уй бошқармалари ҳузуридаги ёрдам комиссиялари, милицияларнинг болалар хоналари ҳузуридаги жамоатчилик советлари, район советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги болалар ва ўсмирларни жойлаштириш комиссиялари катта иш олиб бормоқдалар. Тажриба шуни кўрсатадики, мактаб, уй бошқармаларининг жамоатчилиги ва милициянинг болалар хоналари ўртасидаги мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган комиссияларда энг яхши натижалар қўлга киритилади.

Ўтмиш сарқитларига қарши, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашнинг бошқа кўпгина воситалари ҳам бор. Ижор заводида пенсионерлардан иборат меҳнат ветеранлари совети ташкил қилинган. Улар заводнинг ҳамма цех ва бўлимларида ёшлар билан жамият учун меҳнат қилиш ҳақида, бутун турмушнинг асоси ва моддий бойликларнинг манбаи бўлган ҳалол меҳнатнинг инсон учун нақадар фойдали ва муҳим эканлиги ҳақида самимий суҳбатлар ўтказмоқдалар. Меҳнат ветеранлари мактаб ва армиядан заводга келган ёшларга ҳунар ва техника минимумини ўргатиш устида оталик қилмоқдалар.

Ёшларни ишчилар синфи, партиямизнинг қаҳрамонона анъаналари билан чуқур таништириш коммунизмга садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим элементидир. Ёш авлоднинг, айниқса ўқувчи ёшларнинг илғор ишчилар ва колхозчилар билан учрашувларини уюштириш одат тусига кириб қолди.

Жиноятчиликка ва жамоат тартибининг бузилишига қарши курашни ташкил этиш Ленинград жамоатчилигининг кундалик иши бўлиб қолди ва бу ишга коммунистик жамият қуриш соҳасидаги катта ва муҳим сиёсий вазифа деб қараймоқда.

Б. МАРКОВ.

Ленинград шаҳри.

ЛЕНИНГРАДНИНГ АТОМ РЕАКТОРИ

Ленинград олимлари янги йил арафасида ажойиб совға олдилар: СССР Фанлар академиясининг физика-техника институтида атом реактори қурилиб бўлди ва кам қувватда ишга туширилди. Бу реактор 10 минг киловатт номинал қувватлидир.

Бугун физика-техника институти илмий кенгашининг ана шу ажойиб воқеага бағишланган кенг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Ленинград партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва шаҳардаги илмий муассасаларнинг вакиллари қатнашдилар. (ТАСС).

Уй-жой фонди рўйхатга олинмоқда

Ўзбекистонда уй-жой фондини рўйхатга олиш бошланди. Рўйхат барча иттифоқчи республикалар территориясида 12 январгача ўтказилади. Рўйхатни Статистика бошқармаси органларининг ходимлари меҳнаткашлар депутатлари Советлари томонидан ажратилган жамоат рўйхатчиларининг ёрдами билан ўтказмоқдалар.

Шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида гражданларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойлар Бутуниттифоқ рўйхатига олинади. Айни бир вақтда шаҳарлардаги ва қишлоқ жойларидаги умумлаштирилган бутун уй-жой фонди ҳисобга олиниши лозим. Шахсий уй-жой фонди уйларни бирма-бир кўриб чиқиш ва уй эгаларидан сўраш йўли билан рўйхатга олинади. Давлат ва кооператив уй-жой фондини ҳисобга олиш учун коҳоналар ва ташкилотлар маҳаллий статистика органларига тегишли маълумотлар берадилар.

Бутуниттифоқ рўйхати шаҳар ва қишлоқларнинг уй-жой хўжалигида рўй берган катта ўзгаришларни акс эттиради, партия ва ҳукуматнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжни яқин йиллар ичида тўла қондириш соҳасидаги тадбирлари қандай амалга оширилаётганлигини ҳужжатлар асосида кўрсатиб беради. Рўйхат маълумотлари уй-жой фондига ҳар томонлама характеристика бериш, мамлакатнинг турли районларида бундан кейинги уй-жой қурилишини тўғри планлаштириш имкониятини беради.

Рўйхатни ўтказишда Статистика бошқармаси органларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш —ҳар бир совет гражданининг бурчидир. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТИДАН ТОПГАНЛАР

Заводда Азимжон Ғуломовни етти йиллик шунқори деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Инструменталь цехининг бу илғор ишчиси бир йилда чоракам икки йиллик топшириқни бажариб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди.

Шу кунларда ўртоқ Ғуломовнинг куч ва ғайрати ҳар қачонгидан ошган. У механизмлар қувватидан тўла фойдаланиб, смена топшириғини анча ошириб бажармоқда. Жамоат ишларида актив қатнашмоқда. Яқинда завод партия комитети ўртоқ Азимжон Ғуломовни КПСС аъзоси кандидатлигига қабул қилди.

Тошкентдаги «Октябрь революцияси» тепловоз-вагон ремонт заводида жуда кўп ишлаб чиқаришноваторлари етишиб чиқмоқда. Биринчи механика цехининг механиги Жўра Солиев, вагон цехи дурадгорлар бригадири Николай Верескинлар ҳам меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишлаганликлари, намунали ҳулқ-атвори, фидокор жамоатчилиги учун партия сафига қабул қилиндилар.

Завод партия комитети кейинги олти ойда ишлаб чиқариш новаторларидан 24 кишини КПСС сафига қабул қилди.

Ж. МАҲМУДОВ,

ТЎЛА РАДИОЛАШДИ

Жиззах район марказида 6 та алоқа бўлими, алоқа идораси, телефон-телеграф станцияси, радио трансляция узели ишлаб турипти. Районда 4800 та радио точка, 2400 радиоприёмник, 300 та кичик телефон станцияси ва 150 га яқин телевизор бор.

Етти йиллик планга мувофиқ, алоқа воситалари тобора яхшиланиб, колхоз қишлоқлари радио ва телефонлаштирилмоқда. Ж у м л а д а н, «Москва» колхози ўзининг алоқа бўлими, телефон станцияси, радиоузели ва телевизион ретрансляторига эга. Хрушчев номли колхозда ва қурилиш материаллари заводи ёнида алоқа бўлимлари ташкил этилиб, колхозчилар хонадони тўла радиолаштирилди.

С. ҲАЙИТОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Шаҳар ихтиёрига ўтгач...

Қишлоғимиз область ихтиёридан Тошкент шаҳри ихтиёрига ўтгач, ободончилик ишлари янада жонланиб кетади, янги бинолар қурилиб, йўллар асфальтланади, деб умид қилган эдик. Узгариш ясалиши ўрнига, илгари қатнаб турган автобуснинг тўхтаб қолиши қишлоғимиз аҳолисини ранжитди.

Тузел қишлоғига олиб келадиган Рисовая-Жамбул йўлининг атрофига «Партия XVIII съезди» ва Сталин номли йирик колхоз, республикамизда катта аҳамиятга эга бўлган «Плодопитомник» совхози ва инкубатор станцияси, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг тажриба участкаси, 18 ва 24-ўрта мактаб ҳамда қишлоқ касалхонаси жойлашган. Қарияларимиз, ўқитувчилар, ишчилар ва қишлоқдаги касалхона хизматчилари 10 километр масофага пиёда қатнаши тўғрими?!

Орифхўжа ЭРКАХЎЖАЕВ
Мусабой ОЛЧИНБОЕВ
Қурбонхўжа УМАРОВ
Наима ҒУЛОМОВА
ва бошқалар.

Ҳусндаги доғ

Чирчиқ шаҳри тобора обод бўлмоқда, катта-катта бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Лекин Чирчиқнинг бир қаноти Троицкий посёлкасидаги серқатнов Охунбобоев кўчасига эътибор берилмаётир. У ҳаддан ташқари тор, кўп жойлар ўнқир-чўнқир. Шунинг учун ҳам бу ерда тез-тез кўнгилсиз воқеалар бўлиб туради.

Яқинда ишчилар шаҳарчасига борадиган кўчага бурилаётганда дизель автобуснинг орқа ғилдираги чуқурга тушиб кетди, йўловчилардан бири яралар бўлди.

Наҳотки, 10—15 машина шағал тўкиб, кўчанинг ўнқир-чўнқирларини тўлдириш, тош териш қийин бўлса!

Т. ЎРУНОВ.

БИР МИНГ БЕШ ЮЗ УЙНИНГ БИРИНЧИСИ

Етти йиллик мобайнида республикамиз шаҳар ва ишчи посёлкаларида йирик панеллардан 48 квартирали тўрт қаватли 1500 уй қурилади. Ўзбекистон пойтахтида ана шу уйлардан биринчисига пойдевор қурилди. Бундай уйлардаги кенг ва шинам квартираларга 250 мингдан ортиқ киши кўчиб киради. Бу эса Самарқанд ва Бухоро каби йирик область марказларидаги аҳолининг сонига баравардир.

Йирик панелли уй қурилишини 17 комбинат таъминлаб туради. Буларнинг биринчиси—йирик панелли уйлар қурадиган Тошкент комбинати кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. 1960 йилда Самарқандда, Фарғонада, Бухорода ва Наманганда яна тўртта шундай комбинат қурила бошлайди. Янги комбинатлар учун лойиҳа ҳужжатлари тузилмоқда, улар учун қурилиш майдончалари ажратиб қўйилди. (ЎзТАГ).

2.000 ЁШ ФЕРМАДА

ФАРҒОНА, 4 январь. (ЎзТАГ). Ҳозирги вақтда Фарғона областидаги колхоз ва совхоз чорвачилик фермаларида икки мингдан ортиқ йигит ва қизлар ишламоқда. Бир йил ичидагина 900 га яқин киши фермаларга ишга ўтди, бу кишиларнинг қарийб ярмисини ўрта мактабларни битириб чиққан ёшлар ташкил этади. Областнинг кўпгина хўжаликларида комсомолларнинг ташаббуси билан ёшлар хизмат қиладиган фермалар ташкил этилган. Сут соғувчи, молбоқар, чўпон бўлиб ишлаётган ёш чорвадорлар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Фарғона районидаги «Победа» колхозидан комсомол аъзоси Муҳтарам Эсонова етти йилликнинг биринчи йилини ажойиб муваффақиятлар билан нишонлади. У ўзига биркитилган ҳар бир бош сигирдан 2.400 килограмм сут соғиб олди.

Олтиариқ районидаги Жданов номли колхоздан сут соғувчи Худоёр Ваҳобов сут соғиб олиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятини бир ярим баравардан зиёд ошириб бажариб, бутун колхозда донг чиқарди.

Молларни яхши боқиш натижасида Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўчқабоқари Елизавета Яроцкая пландан ташқари ўнлаб центнер гўшт етиштирди.



Тошкент саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари учун уй-жойлар қурилиши авж олиб кетди. Ҳозирги кунда минг-минглаб ишчи ва хизматчиларнинг оилалари ҳар томонлама қулай уйларда фаровон турмуш кечирмоқда. Суратда: Ново-Московский кўчасида ишчи ва хизматчиларга қурилган ва қурилаётган уйларнинг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАРОКАШДА

РАБАТ, 3 январь. (ТАСС). Марокаш короли Муҳаммад V кеча СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов (делегация бошлиғи), СССР Маданият министрининг ўринбосари А. Н. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Африка мамлакатлари бўлимининг мудири А. А. Шведов, шунингдек Украина ССРнинг расмий вакили — Украина ССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Н. Зленко ва Белоруссия ССРнинг расмий вакили—Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг секретари Д. А. Лукашевичдан иборат СССР ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Совет ҳукумат делегацияси Либерия республикасининг янгидан сайланган президенти ва вице-президентининг ўз вазифаларига расман киришганликлари муносабати билан бўладиган байрамда қатнашиш учун Либерияга бора туриб, Марокашда меҳмон бўлиб турмоқда.

Н. А. Муҳитдинов король Муҳаммад V га ва марокаш халқига янги йил муносабати билан Совет Иттифоқи раҳбарлари номидан табрикнома топширди ва энг яхши истаклар билдирди. Король Муҳаммад V Н. А. Муҳитдиновдан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга ва совет халқига ўзининг энг яхши тилакларини билдиришни илтимос қилди.

Қабул маросимида СССРнинг Марокашдаги элчиси Д. П. Пожидаев ҳозир бўлди.

* * *

РАБОТ, 4 январь. (ТАСС). 2 январда Работдаги король саройида Марокаш короли Муҳаммад V СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов билан учрашди. Н. А. Муҳитдинов Либериянинг янги сайланган президенти Уильям Тамбэн ва вице-президенти Уильям Толбертнинг ўз вазифаларини бажаришга расмий равишда киришишлари муносабати билан бўладиган байрам тантаналарида қатнашиш учун Либерияга борааётган ва Марокашда тўхтаган Совет ҳукумат делегациясига бошчилик қилмоқда.

Муҳаммад V нинг Н. А. Муҳитдинов билан учрашуви дўстона руҳда ўтиб, бир соатча давом қилди. Суҳбат давомида Муҳаммад V ва Н. А. Муҳитдинов бир қанча актуал халқаро масалалар юзасидан, шунингдек Совет-Марокаш муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр олишдилар.

Учрашув вақтида СССРнинг Марокашдаги элчиси Д. П. Пожидаев ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Африка мамлакатлари бўлимининг мудири А. А. Шведов ҳозир бўлдилар.

Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси, шунингдек Украина ССРнинг расмий вакили — Украина ССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Н. Зленко ва Белоруссия ССРнинг расмий вакили — Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг секретари Д. А. Лукашевич кеча Монровияга самолётда учиб кетдилар.

ҚОСИМ Г. И. ЗЕЛЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БАҒДОД, 4 январь. (ТАСС). Ироқ бош министри Қосим кеча СССР Министрлар Совети профессионал-техника таълими Давлат комитетининг раиси Г. И. Зеленкони қабул қилди. Г. И. Зеленко миллий техник кадрлар тайёрлашда Совет Иттифоқининг Ироққа техника ёрдами бериши ҳақида олиб борилган ва битим имзолаш билан тугалланган музокараларда Совет делегациясига бошчилик қилган эди. Бош министр дўстона суҳбат вақтида Ироқ Республикасида кўрсатилаётган беғараз ёрдам учун Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига ташаккур изҳор қилди. Суҳбат вақтида СССР нинг Ироқдаги элчиси Г. Т. Зайцев ҳозир бўлди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА

КОБИЛ, 3 январь. (ТАСС). Бир группа афғон студентлари Москва университетида ўқиш учун яқинда Москвага жўнаб кетдилар. Тошкент заводларида ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтиш учун Жангалак авторемонт заводининг бир группа афғон ишчилари ва техниклари бугун Тошкентга жўнаб кетдилар. Бу — СССР га келаётган биринчи афғон ишчилари группасидир. Ўзбекистон пойтахти заводларида бир йил ичида афғон ишчиларига ҳар хил ихтисослар ўргатилади.

Ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтиш учун Афғонистоннинг бир группа нефтчи ишчилари яқинда Бокуга жўнаб кетади.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ПЕКИН, 3 январь. (ТАСС). Хитой халқи янги, 1960 йилнинг биринчи кунларини тинч яратувчилик меҳнатида янги муваффақиятлар билан нишонлади.

1 январда Хитой гидроқурувчилари Люцзяс дарасида катталиги жиҳатидан мамлакатда иккинчи бўлган Хуанхэ дарёсини муваффақиятли равишда тўсдилар. Бу ерда, Шимоли-Ғарбий Хитойдаги энг йирик саноат маркази Ланьчжоудан 100 километр жанубий-ғарбда 1 миллион киловатт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция қурилмоқда.

Хуанхэ дарёсининг тўсилиши гидроузелнинг асосий тўғонини қуриш ишларини тезлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бу тўғон Хуанхэ дарёсини жиловлашдан иборат катта программанинг биринчи навбат қисмида энг катта гидротехника қурилишлардан бири бўлади. Люцзяс қурувчилари шу йилнинг охиридаёқ гидроэлектростанциянинг биринчи агрегатини фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Хуанхэ дарёсида 7 та гидроузел қурилмоқда. Дарё ҳозирдаёқ беш жойдан тўсилди.

Металлургларга, шахтёрлар ва машинасозлар янги йилни катта муваффақият билан нишонладилар. Ўтган йили 13 миллион тоннадан зиёд пўлат эритган хитой металлургларининг биринчи сафларида Аньшань металлургия комбинатининг ишчилари бормоқдалар. Хитой Халқ Республикаси қора металлургиясининг бу энг йирик корхонаси коллективи 1 январда халқ хўжалигига кундалик топшириқдан ташқари 4.260 тонна пўлат, 462 тонна чўян ва 767 тонна прокат берди.

Ухань комбинатининг, Чунцин, Тайюань, Тяньцзинь ва бошқа шаҳарлардаги металлургия заводларининг домначилари, пўлат эритувчилари ва прокатчилари ҳам 1 январда суткалик планни анча ошириб адо этдилар.

Ўтган йили Англиядагига қараганда бир ярим баравардан зиёд кўпроқ кўмир қазиб чиқарган хитой шахтёрлари ҳам 1960 йилнинг биринчи кунида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Хитойдаги қадимги Кайлуань кўмир шахтасининг 50 минг кишилик коллективи 1 январда ўтган йилнинг декабрь ойидаги ўртача бир суткалик кўмир миқдоридан 4,3 процент кўп кўмир қазиб чиқардилар. Хэнань вилоятидаги Хэби кўмир ҳавзасининг шахтёрлари пландаги 14 минг тонна ўрнига 23 минг тонна кўмир қазиб чиқардилар.

Пекин, Шанхай, Лоян ва Хитой Халқ Республикасининг бошқа шаҳарларидаги қўпгина корхоналарнинг ишчилари январь ойининг дастлабки кунлари ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажардилар.

Хитой ишчилар синфи ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб ва ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олиб, 1960 йилни янги муваффақиятлар йили, Хитойда социализм қурилишида янада катта ютуқлар йили қилиш учун қатъий қарор қилдилар.

ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР

ПЕКИН. Синьхуа агентлиги мухбирининг Ухань шаҳридан хабар беришича, Ухань металлургия комбинатида йирик кокс батареяси ва юқори сифатли материалларни пиширадиган печь муддатидан илгари ишга туширилган.

Ҳозирги вақтда комбинатда тўла металлургия циклини вужудга келтириш учун прокат станларини қуриш суръати тезлаштирилмоқда. Совет мутахассисларининг ёрдами билан лойиҳа қилинган йирик автоматик блюминг қурилиши қизғин бораётир.

ҲАҚИҚАТДАН УЗОҚ

БАҒДОД, Ғарб матбуоти кейинги вақтда «Эрон-Ироқ чегараси ранида Ироқ қўшинлари тўпланмоқда» деган овозаларни тарқатмоқда. Жумладан, Ассошиэйтед пресс агентлиги Ироқ қуролли кучларининг жуда кўп бўлинмалари Хусайния, Факка, Сувайла, Рашидия ва Сувайди чегара постларида тўпланаётир, деб хабар қилди.

Бугун газеталарда Ироқ Нью Эйдженси агентлигининг расмий раддияси эълон қилинди. Раддияда Америка агентлигининг бу хабари ҳақиқатга мувофиқ эмас, дейилади. Раддияда Ироқ Республикаси барча низоли проблемаларни тинч йўл билан ҳал этишга интилмоқда, деб таъкидланади.

САҲРОДА ДЕНГИЗ

ПЕКИН. Синьхуа агентлиги мухбирининг Ланьчжоу шаҳридан хабар беришича, Тэнгри саҳросининг (Ғарби-Шимолий Хитой) жанубий қисмида йирик сув омбори қурилиши битай деб қолди.

127 миллион кубометр ҳажмли бу сув омбори саҳродаги 80 минг гектардан кўпроқ ерни суғориш имконини беради.

Сув омборидан бошланадиган 82 километрлик канал саҳро орқали ўтади. Каналда гидростанция қурилади.

КУНГИЛСИЗ ФАКТЛАР

ИСТАМБУЛ, Туркияда сил касалига қарши кураш ҳафталиги бошланди. 7 кун мобайнида мактабларда лекциялар ўқилади, фотовитриналар ташкил қилинади. Сил касали Туркияда энг кўп тарқалган касалликлардан биридир. «Жумҳурият» газетасининг маълумотларига кўра, мамлакатда бу касалликдан йил сайин 30—40 минг киши ўлмоқда.

Газетанинг ёзишича, ёлғиз Истамбулнинг ўзида сил касалига мубтало бўлган кишиларнинг сони 25.000 га яқиндир.

Сил касалини даволаш учун диспансерлар ва касалхоналарда ўрин етишмайди. Ҳозирги вақтда даволаш муассасаларида атиги 12.000 ўрин бор, бу эса мутлақо етарли эмасдир. (ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

Олмадек реактор

АҚШ нинг атом энергияси бўйича комиссияси кичкина атом электр станциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилганини эълон қилди. Унинг баландлиги 5,5 дюйм, диаметри 4,5 дюйм келади. Моделда ҳаракат қиладиган деталлар йўқ ва унинг вазни 5 қадоқдан ошмайди. Ёнилғи сифатида полоний изотопларидан фойдаланилмоқда. Атом генераторининг қуввати — 5 ватт. Шу нарса ҳисоблаб чиқилдики, атом генератори кўплаб ишлаб чиқарилса, унинг ҳар бири 200 долларга тушади. Таҳмин қилишларича, бундай генератор 100 йилдан кўпроқ вақт мобайнида электр қуввати бериб туради.

ЕР ҚИМИРЛАШИНИ БИЛАДИГАН БАЛИҚ

Японияда тез-тез ер қимирлаб туради, айрим районларда эса кунига бир неча марта ер қимирлайди.

Аҳолини ер қимирлашдан аввалроқ хабардор қилиш мумкинми? Мумкин экан. Бунинг учун аквариум сотиб олиш ва унга кичкинагина оқ балиқчани солиб қўйиш керак. Бу балиқ ер қобиғидаги энг кичик тебранишларни ҳам сезади. Ер қимирлашидан бир неча соат илгари балиқча ўзини ҳар томонга ташлай бошлайди, бу эса ер қимирлашидан бериладиган хабардир.

Бу нарса яқиндагина маълум бўлди. Шу сабабли Япония қишлоқ хўжалик министрлиги тез-тез ер қимирлаб турадиган районлардаги аҳолини оқ балиқчаларни кўпайтиришга даъват этди.

Бизнинг арчамиз чиройли.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ХИТОЙ „ОҚ ОЛТИНИ“

1959 йили Хитой пахтаси яхши ҳосил қилди. Ғалла экинларининг кузги ўрими тугаши биланоқ, қишлоқларда теримга тушилди. Миллионлаб пахтакорлар иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилига белгиланган кўрсаткичга — 48 миллион данъ[1]) пахта териб олишга муддатидан уч йил илгари эришиш учун курашни зўр ғайрат билан авж олдириб юбордилар. Пахтакор районларда меҳнат мусобақаси тўлқинланиб кетди. Халқ коммуналарининг «оқ олтин» ортилган автомашиналари ва аравалари давлат харид пунктларига узлуксиз келиб турибди.

Мамлакатнинг барча пахтакор районларидан мўл ҳосил етиштирилганлиги тўғрисида хабарлар олинмоқда. Хэнань, Хэбэй, Шаньдун, Аньхой, Цзянсу Чжэцзян ва Сичуань вилоятларидаги ҳамма жойда пахта ҳосили бултурги ҳосилдан анча кўп, сифати ўтган йилдагига нисбатан юқори бўлди. Кўпгина халқ коммуналарида бу йилги янги пахта ҳосили нуқрадек тозалиги билан фарқ қилиб туради. Толанинг узунлиги 34—35 миллиметр. Бу, ўтган йилдагидан тахминан 5 миллиметр узундир

Деярли барча районларда пахта ўтган йиллардагига нисбатан эрта пишди. Хэнань, Хэбэй, Шаньдун, Хубэй ва Цзянсу вилоятларида пахта терими августнинг иккинчи ўн кунлигидаёқ бошланган эди. Хэнань, Хэбэй, Шаньдун вилоятларида ва бошқа муҳим пахтакор районларда терим қизитиб юборилди.

(«ДРУЖБА» журналининг 1959 йилги 50-сонидан).

[1]) Дань — 50 килограмм

400 хонадон янги уйга

ФАРҒОНА. Киров районининг маркази йил сайин обод бўлмоқда. Бу ерда 2 та ўрта мактаб, 3 та болалар боқчаси ва турли маданий-оқартув муассасалари ишлаб турипти. 450 ўринлик кенг экранли кинотеатр қурилишида иш қизиб кетди. Шонли етти йилликнинг биринчи йилидаёқ 400 дан ортиқ хонадон янги уйга кўчиб кирди.

Охунбобоев районидаги Жданов номли колхозда ҳам идора, медпункт, болалар яслиси учун янги типовой бинолар қурилди, 300 дан ортиқ колхоз аъзоси янги уйга кўчиб кирди. Кўча ва ариқ бўйларига 10 мингдан ортиқ терак кўчатлари ўтказилди.

О. ИСОҚОВ.
Т. ЖУРАЕВ.

Правда Востока

Биринчи саҳифада КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ишларини яхшилаш ҳамда фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини халқ хўжалигига жорий қилиш ишида унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори босилгач.

Иккинчи саҳифада босилган Н. Алеевнинг мақоласида Сариосиё районидаги машҳур механизатор Маҳмуд Наимовнинг иши ҳақида ҳикоя қилинади, шунингдек саноат корхоналаридан турли хабарлар берилган. Учинчи саҳифада чет эл хабарлари, тўртинчи бетда республика ҳаётига оид хат-хабарлар бор.

ШАХМАТ

Газетхоналарнинг илтимосига биноан «Қизил Ўзбекистон» редакцияси «Шахмат» бўлими ташкил этди. Шахмат масалалари СССР спорт мастери М. Муҳиддинов таҳрири остида олиб борилади.

Яқинда тамом бўлган Осиё мамлакатлари халқаро шахмат турнирида кўпгина қизиқ партиялар ўйналди, ана шундан бир мисол келтирамиз.

Амалга ошган ва ошмаган имкониятлар

Диаграммадаги позиция мазкур мусобақанинг биринчи турида ўйналган Бахтиёр (Индонезия) — Муҳиддинов партиясида содир бўлган ва шу аҳволда ўйин кечиктирилган эди.

Ўйин қуйидагича давом эттирилди.

42. . . Фс5—с1 +
43. Кр g1—h2 Сс7—d8
44. Фh4—g3 Лf8—f4!

Энди қоралар икки пиёда камлигига қарамай, фигураларининг қулай жойлашганлиги туфайли дуранг қилиш имкониятига эга.

45. b2—b3?....

Бунинг ўрнига 45. f 3! 5 . . , ва 45 . . Ф: b2 дан кейин 46. Фе1 қилиб, оқлар марказдаги муҳим пиёдасини сақлаб қолиши мумкин эди.

45. ... Лf4 : e4
46. Сb5—c4 Лe4—e1!
47. Фg3—f3 Лe1—h1+?

ҳозир 47 . . . e4! қилиб, оқларни қийин аҳволда қўйиш мумкин эди. Масалан: 48. Ф f7 + (мажбурий юриш) 48 Кр h6 49. Ф f 8—Кр h 5 50. Лd1! (Ўйлаш учун вақт зиқ маҳалда бундай юришларни топиш анча қийин. Агар бунинг ўрнига оқлар шошиб 50. g4+Кph 4 51. Ф: d8+ қилса, 51 ... g5! дан кейин, ўзи мотдан қутила олмас эди) 50...! Сс7 + 51. g3 С: g3 + ! 52 Кр g2, (52. Кр: g3? бўлса, 52... Ф g5+! 53. Кph2 Фg1× ёки 52. fg бўлса, 52... Фс 2+!) 52... Ф: d1 (51... Л:d1? бўлса, 53. Се2+! ва оқлар ютади) 53. Фс5+! Кph6! (53... g5? бўлса, 54. Сf7+! Кph6 55. Фf8× ёки 54... Кph4 55. fg×) 54. Фf8+ Кph5 (54... Кpg5? бўлса 55. d8Ф+) 55. Фс5+ ва ўйин дуранг бўлади.

48. Кph2—g3 Сd8—c7?

Қоралар ютуққа беҳуда ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ихтиёрида ўйинни дуранга олиб келувчи қуйидагича юришлар бор эди:

а) 48... Л; h3+! 49. gh. (49. Кр: h3? бўлса, 49... Фh1+5^. Кpg3 Фh4×) 49... Фg1+50. Фg2 Сh4-+! 51. Кр: h4 (51. Крf3? бўлся. 51... е4+! ва қоралар ютади) 51... Ф: g2. 52. d8Ф. Ф: f2+53. Лg3 (53. Кpg4? бўлса 53... Фf4×) 53. ... Фf4+54. Лg4 Фf2+дан кейин ўйин дуранг бўлади;

б) 48... Фg5+ в) 40... Се7 ва ҳоказо.

Қораларнинг—текстдаги юриши энди қақшатгич зарбага учрайди:

49. Фf3 -f7+Кpg7—h6
50. Лd3—e3!!...

Мана шу жуда нафис юриш Индонезия чемпионининг нақадар ўткир шахматчи эканлигини тасдиқлайди. Энди қораларнинг ўйини кетди.

50. ... Фс1—а3
51. Лe3 - e4

Яна икки—уч юришдан кейин оқлар ютди.

Тошкент янгиликлари

▲ Свердлов номли концерт залида беш кундан буён давом этаётган янги йил арчасига 20 мингдан ортиқ бола келиб кетди. Улар ясатилган арча атрофида қор бобо, қор қиз билан учрашдилар. Бу ер шаҳар болалари арча байрамининг маркази бўлиб қолди.

▲ «Узбекфильм» кино студияси Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Меликўзи Умурзоқов ҳақида қисқа метражли кино очерклар яратди. «Меликўзи Умурзоқов ҳикоя қилади». «Турсуной». кино очерклар яқинда телевизион станция орқали телетомошабинларга кўрсатилди. Бу кино очерклар кино театрларда фильмлар олдидан намойиш қилина бошланди.

▲ Ажойиб шаҳарчага айланиб бораётган Чиланзор массивида катта университ китоб магазини очилди. Магазиндан турли хил китоблар, бадиий адабиётлар, музика китоблари, дарсликлар сотиб олиш мумкин.

▲ Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида шоир Ҳамид Олимжоннинг юбилейи олдидан кеча ўтказилди. Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти уюштирган бу кечада студентлар ва ўқитувчилар қатнашдилар. Институт илмий ходимларидан филология фанлари кандидати Н. Раҳимов, З. Маъруров ўртоқлар Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида сўзладилар. Кечада шоирнинг асарлари рус ва ўзбек тилида ўқилди.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

12.00-Болалар боқчасида янги йил арчаси (рус тилида). 12.20-Бадиий фильм — **«Хитой цирки».** 19.00-Рус тилида **«Рассом ҳикоялари»** деган биринчи эшиттириш. 19.10-Ўзбек тилида **«Дин ва атеизм тарихий музейи»** деган ҳужжатли фильм 19.35-**Тошкент шаҳар, Киров район Маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти.** 20.00-Навоий номли театрдан **«Флория Тоска»** операси олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

Редактор И. РАҲИМОВ.

СЎЛҚИЛДОҚ НОНЛАР

РЕПОРТАЖ

Қўш табақали ҳаворанг дарвоза. Ичкарига кирсангиз ўнг томондаги гўлзор ҳам, асфальт йўлка ва кўчалар атрофини безаб турган яшил девор ҳам қиш либосида. Оқ халат кийган йигит-қизлар иш билан машғул ҳовлининг ўртасида тошу-тарози. Оппоқ қоплар уйилган ва «Нон—Хлеб» деб ёзиб қўйилган машиналар шу тарозида 2—3 минут чамаси туриб, ҳовлининг тўрига ўтиб кетар, баъзилари дарвозадан чиқиб кўздан ғойиб бўлар эди.

С. М. Киров номли 3-нон заводидаги қайноқ ҳаётнинг ташқи кўринишни ана шундай. Келинг, дастурхонимизнинг азалий ва абадий зийнати нон қандай тайёрланаётганига бир назар ташлайлик. Илгарилар ҳар оиладаги бир аёлнинг ярим умри нон ёпиш билан ўтарди. Кунига заводга келтирилаётган 100—150 тонна унни элаш учун неча киши қанча тер тўкишини кўз олдингизга келтириб кўринг. Лекин бу ерда ун қўлда эланмайди. Тўғри бункерларга ағдарилади, эланиб, тозаланиб, қувурлар орқали хамир қориш залига тушади. Бир киши қўл урмай, кунига 2—3 тонна хамир қилади.

Омбордаги бункердан тушаётган ун тагида 5 та кнопка: биринчиси босилса ун, иккинчиси босилса сув, учинчиси босилса туз, тўртинчиси босилса ачитқи қуйилади, бешинчиси босилса катта тоғорада хамир қорилади. Хамир тайёр бўлгач тоғораларнинг ўзи ғилдирак кетади. Хамир нон цехида қолипланиб вагонеткаларда печларга қўйилади.

Ана энди зийраклик, чаққонлик талаб қилинади. Чунки, нон печда сал кўп турса куйиб кетиши мумкин. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Насиба Ҳакимова — нон пиширишнинг пири. Насиба билан мусобақадош Шокирова планини 124 процентдан бажараётир.

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган Аббос Содиқов бошлиқ бригада аъзолари тайёрлаётган сўлқилдоқ нонни еган сари егингиз келади. Бригада аъзолари заводнинг кўчма Қизил байроғини сал кам икки йилдан бери қўлдан бермай келишади.

Заводнинг обинон цехига кирсангиз ҳайрон қоласиз. Чап томонда 5—10 киши ҳарсиллаб олов қалаётган, сув сепаётган, қўлини чўққа тиқиб нон ёпаётган. Ўнг томонда тамоман бошқача манзара. Бу ерда деярли ҳамма ишлар механизациялашган. Фақат 2—3 киши нон ёпиб, пишганларини узиб тахламоқда. Бу цехни механизация хосиятини кўз-кўз қилувчи жонли кўргазма деса бўлади.

— Механизациялашган тандирга эрталаб бир олов қаласак, кечгача етади. — дейди цех мастери ўртоқ Т. Розиқов. — даставвал бу тандирни ўзлаштиргани ҳеч қайсимизнинг юрагимиз бетламади. Шунда биринчи бўлиб Худойберган ака Файзиев енг шимарди. Билмай юрган эканмиз-да, жоннинг роҳати экан. Энди киши ҳеч озор чекмайди, чарчамайди ҳам. Ишнинг унумини айтмайсизми? Эски тандирда бир сменада бир ярим мингта нон ёпилса, механизациялашган тандирда 3000 га яқин нон ёпаётирмиз.

Ажабо, тандирни ҳам механизациялаштириб бўлар эканми, дерсиз. Ҳа, бўлар экан. Ташқи кўринишидан ҳудди эски тандирнинг ўзи. Эски тандирдаги сувдон, рапида, енглик қўйдирган жойларда ҳар хил механизмлар. Кнопка босилса, тандир айланиб, ичида яна бошқа қизитилган тандир пайдо бўлади. Шундай қилиб, 7—8 та катакни айлантириб нон ёпиб бўлингунча олдинги ёпилганлари бўрсиллаб, «мени уз» деб туради.

Афсус, бундай механизациялашган тандир заводда атиги иккита. Қолган 5 та эски тандир ҳам механизациялашса, иш яна ҳам юришиб кетарди.

Заводнинг меҳнатсевар коллективи 30 хилга яқин булка, оби, гижда, патир, жиззали нон, сухари тайёрлаб пойтахт дўконларига тарқатмоқда. Улар етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришга астойдил бел боғлаб, йиллик программани муддатидан икки ҳафта бурун бажардилар.

Нонвойлар етти йилликнинг иккинчи йилида етти соатлик иш кунига ўтишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

— Етти соатлик иш кунига ўтиш анча мураккаб иш экан, — дейди завод директори Ҳ. Солиҳов. — Бунинг учун баъзи тадбирларни мўлжаллаб қўйдик. Январь ойидан бошлаб унни қопсиз ташиймиз ва сақлаймиз. Хамир қориш залида 55 та тоғорани 5 та агрегатга айлантирамиз. Шу билан қирққа яқин ишчи бўшатиб олинади ва бошқа участкаларга қўйилади. Нонни ўнта майда печда пиширишга ўтамиз. Ҳозир нон вагонеткада ташилмоқда. Транспортёрлар ўрнатилгач, анча ишчи кучи тежалади. Заводимиз газлаштирилгач, печлар арзон ёнилғи—газда қиздирилади. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳаракатчан коллективимиз ҳаммасини ҳам уддалайди.

Ж. АБДУРАҲМОНОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Макр ва муҳаббат**, кечқурун **Тоға-жиянлар**, 6/I да кундуз ва кечқурун **Оқпадар**. 6/I даги кундузги спектаклга билетлар сотилган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Флория Тоска**, 6/I да кундуз **Оққуш кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Фарғона ҳикояси**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор**, 6/I да кундуз **Ошиқ Ғариб**, кечқурун **Ватан ишқи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **Арча**. «Айиқлар цирки» иштирокида **катта байрам томошалари**. Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Қонун — қонундир — «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Бир қирувчининг тарихи — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Овчилар — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Ҳарбий сир — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минутда).

Насриддин Хўжанда — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минутда).

Болалар — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), «СПУТНИК» (кундуз 12 ярим, 2 ярим ва кеч 7 яримда).

Калта шим кийган одам — «ИСКРА» (кеч соат 10 яримда).

Али бобо ва қирқ қароқчи — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минутда).

Бургутча — КОММУНА УЙИ (кундуз соат 12 ва 2 да).

Январь ойидан бошлаб

авиапочта тарифлари камайтирилди

Оғирлиги 20 граммгача бўлгач оддий авиахатларнинг тарифи 1 сўмдан 60 тийингача, оғирлиги 50 граммгача бўлган бандеролники—1 сўм 90 тийиндан 1 сўмгача, посилка юбориш ҳақи—қарийб икки баравар камайтирилган.

10 килограммлик посилкани Тошкентдан, масалан, Свердловскка поездда етказиш ҳақи 21 сўм 26 тийин турса самолётда—24 сўмдир. Лекин бу посилкани поездда етказиш учун 83 соату 33 минут талаб қилинса, самолёт 2 соату 35 минутда етказиб беради.

КУТУБХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА! РЕСПУБЛИКА КУТУБХОНАЛАР КОЛЛЕКТОРИ

1960 йилда

КУТУБХОНАЛАРНИ

китоблар ва кутубхона техникаси билан таъминлаш учун

10 январгача

шартнома тузиш

ЗАРУРЛИГИ ҲАҚИДА ЭСЛАТИБ ЎТАДИ.

Шартнома бланклари ва тематик нашриёт планлари биринчи талаб билаток юборилади.

Кутубхоналар шартнома тузиш масалаларида Республика бибколлекторига (Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй, телефон—40-031). Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги кутубхоналар эса бибколлекторнинг шаҳар бўлимига (Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 7-уй, телефон — 34-745) мурожаат қиладилар.

Ташгорпромсовет системасидаги

«ҚИЗИЛ СОАТЧИ» артели

ҳар хил система механик ва электр

СОАТЛАР,



ёзув машиналари, арифмометрлар, ҳисоб машиналари ва касса аппаратларини

ремонт қилиш

ва қараб туриш учун 1960 йилга ШАРТНОМА ТУЗА БОШЛАДИ

Хизмат ҳақи прейскурант юзасидан олинади.

Адрес: 1) Тошкент шаҳар, Железняк кўчаси 9-уй, 2) Киров кўчаси, 35-уй. Телефон — 31-706, 31-397.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

УСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИКАСИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ

қуйидаги вакант вазифаларда ишлаш учун

конкурси

Ўсимликлар физиологияси, ўсимликлар биокимёси, ўсимликлар генетикаси, систематика ва тур ҳосил бўлиш лабораторияларининг старший илмий ходимлари.

Аризалар фан докторлари ва кандидатларидан тегишли ҳужжатлар билан қабул қилинади.

Конкурс муддати—22/I гача.

Адрес: Тошкент шаҳар, Луначарский, Академгородок.

АҲОЛИНИ ГАЗ билан таъминлаш қоидалари

Абонент гази бўлган ва газдан бўшаган баллонларнинг сонини «Райгаз»га маълум қилиши лозим.

Заявкалар баллонларнинг бири бўш бўлган тақдирдагина 10-14 кун ичида бажарилади.

Фақат бир баллондан иборат установкаси бўлган гражданларнинг заявкаси 2 кун ичида бажарилади.

Абонент 5 кундан ошиқ вақтга кетиб қолса, установкани ишдан тўхтатиб қўйиш учун «Райгаз»га маълум қилиши лозим. **«Ташгоргаз».**

Бобожонов кўчаси, Харьков проезди, 2-уйда турувчи **Мурод Пўлатовнинг** шу уйда турувчи Санобар Илҳомовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

М. Горький кўчаси, Вагон проезд, 3-тупик, 10-уйда турувчи **Одил Нуриддиновнинг** М Горький кўчаси, Вагон проезд, 14-уйда турувчи Хосият Нуриддиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604, Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142, Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 05005

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. А—№ 3.